ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН НАШР ЭТИЛА БОШЛАГАН

1995 йил

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА — ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ • СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН — 27 октябр, № 43 (3330)

Ислоҳотларнинг изчиллиги ва олга босишини, демократиялаштириш ва эркин бозор иқтисодиёти йўлининг тўғрилиги, барқарорлик ва мунтазам ривожланиш, барча тинчликсевар мамлакатлар билан ўзаро фойдали, тенг ҳуқуқли муносабатларни йўлга қўйишни бундан буён ҳам таъминлаб бориш, шу билан жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш биз учун ўта долзарб вазифадир.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ ЭЛЛИК ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БОШ АССАМБЛЕЯНИНГ МАХСУС ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИДАН

ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК САРИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг эллигинчи юбилей сессияси ўз ишини якунланди.

24 октябр куни Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташкил этилганига эллик йил тўлиши муносабати билан ўтказилаётган Бош Ассамблеянинг тантанали мажлисида нутқ сўзлади.

Узбекистон Республикаси Президенти анжуман иштирокчиларига қарата мурожаат қилар экан, улар эътиборини Марказий Осиёда юзага келган муаммоларга қаратди. Хусусан, Орол денгизи муаммосини мазкур халқаро ташкилот ва молиявий муассасалар кумагисиз ҳал этиш мумкин эмаслигини таъкидлади. БМТ Хавфсизлик Кенгашини Афғонистондаги минтақа барқарорлигига хавф солаётган биродаркушлик урушига барҳам бериш учун бу мамлакатга қурол-аслаҳалар олиб киришни тақиқлашга даъват этди. Президент, бундан ташқари БМТ тузилмаларини ислоҳ қилиш йўлида Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари таркибини кенгайтириш, унга Япония ва Германия каби дунё сиёсатида етакчи мавқега эга мамлакатларни киритиш, ташкилот қабул қилаётган қарорларни ҳаётга тезроқ жорий этиш учун унинг Бош котиби ваколатларини кучайтириш ва БМТнинг минтақавий халқаро ташкилотлар билан муносабатларини фаоллаштириш, тангликларнинг олдини олиш йўлида унинг минтақавий тузилмаларини янада ривожлантириш лозимлиги тўғрисидаги таклифларни илгари сурди. Ялпи хавфсизликка, деди Президент, минтақаларда хавфсизликни таъминлаш орқалигина эришиш мумкин.

ҚИРҚ ЙИЛ — БИР ЙИГИТ УМРИ

Азиз муштарий!

Жорий йил охири — Янги йил бошларида севимли газетангиз — «Узбекистон адабиёти ва санъати» қирқ ёшга тулади. Қирқ йилдирки, газета Сиз билан ҳамиша ҳамнафас, ҳамдард, ҳамфикр булиб келмоқда. Кўпмиллатли жонажон Ватанимиз, меҳнаткаш халқимиз, жаннатмакон юртимиз ҳаётининг деярли барча қирралари, буюк ўзгаришлар, воқеа-ҳодисалар газета саҳифаларида ўзининг тулақонли аксини топиб келмоқда. «Узбекистон адабиёти ва санъати» ёзувчилар, журналистлар, тарихчи олимлар, мактаблар, олий ўқув юртлари ўқитувчилари, санъаткорлар, рассомлар, бастакору ижрочиларнинг, бир сўз билан айтганда ижодкор зиёлиларнинг маънавий кўзгусига айланди. Қалам аҳлларининг кичик жанрлардаги энг сара асарлари, янги ҳикоялар, шеърлар, замон нафаси уфуриб турган публицистик мақолалар, маънавиятга доир илмий тадқиқот материаллари, танқид ва тақризлар, таклиф ва мулоҳазалар, мана қирқ йилдирки, газетамизда мунтазам эълон қилинмоқда. Ўтган давр ичида ҳафталик ижодий жамоаси неча унлаб шоиру носирларни, қушиқчи ва рассомларни, олиму бастакорларни кашф этди, десак муболаға бўлмас. Элимизнинг оқсоқол адиблари, машҳур санъаткорлари газета саҳифалари орқали ёш ижодошларига мураббийлик қилдилар, ютуқ ва камчиликларини кўрсатиб турдилар. Муштарийлар адабиёт газетаси ёрдамида жаҳон адабиёти ва санъати янгиликларидан, турли минтақалар, халқлар маданиятларига доир янгиликлардан бохабар бўлмоқдалар.

Собиқ империянинг қулаши, коммунистик режимнинг емирилиши ва она Ватанимизнинг Мустақилликка эришуви жараёни ҳафталик саҳифаларида беҳад қизғин акс этди. Адабиёт газетаси бу жараёнларда бениҳоя дадил, катта жасорат билан қатнашди, эркин ва ҳур фикрловчиларнинг маънавий минбарига айланди. Собиқ СССР томонидан ўтказилган сўнгги референдум чоғи кўпчилик буюк бурилишлар палласи етиб келаётганлигини англаб-англамай «ажралиб нима қиламиз, иттифоқ таркибида қолганимиз маъқул», деб турганида «Узбекистон адабиёти ва санъати» бор овоз билан «Узбекистоннинг бахти — мустақилликда!», дея олди. Шундай дейишга журъат топа билди. Собиқ марказдан юборилган «десант»чилар ўз қабиҳ ниятларини устомонлик билан амалга ошириб турганида, марказий матбуот халқимиз, миллатимиз шаънига бухтонлар ёғдираётганида газета уларга қарши Суз айта олди. Нохақ жабрланганларни, элимизнинг ҳалол, пок фарзандларини, шулар қаторида Шароф Рашидовни ҳимоя қилиб чиқди.

Буюк ўтмишимиз, шонли тарихимиз, бебаҳо маънавий меросимизни қора бўёқлардан тозалашда газета республикамизнинг бошқа қатор илғор нашрлари билан ёнма-ён турди, муаллифларнинг куюнчаклик билан ёзган мақолаларини пешма-пеш эълон қилди. Ислом дини, диндорларга муносабат масаласидаги ижобий мақолалар, эътироф этиш зарурки, дастлаб «Узбекистон адабиёти ва санъати»да пайдо булди. Ёдингизда булса биз пахта яккаҳокимлигини тугатиш, заҳарли химикатларни таъқиқлаш, она тилимизда давлат мақоми берилишига эришишда анча жонбозлик кўрсатдик. Энг фаол муаллифларимизнинг юқоридаги мавзуларга бағишланган ва газетамиз саҳифаларида эълон қилинган сара мақолалари «Фитна санъати» номи билан икки жилдли китоб қилиб нашр этилди.

Мустақилликка эришилгач, газета ижодий жамоаси ўзининг бутун куч-ғайратини, ижодий шижоатини мустақилликни мустаҳкамлаш, халқни, ижодкор зиёлиларни юртбошимизнинг буюк беш тамойилидан келиб чиқадиган вазифалар атрофида жипслаштиришга қаратди. Хориждаги ҳур фикрли ватандошлар билан алоқаларни тиклаш, мустақил Узбекистон овозини жаҳоний кенгликларга олиб чиқишда газета катта жонбозлик курсатди. Бу иш бугун ҳам изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Қирқ йил — бир йигит умри. Биз бугун ўтган йиллар давомидаги серқирра фаолиятимизни таҳлилдан ўтказмоқдамиз. Нималарга эришдик, нималарга эриша олмадик, бугуннинг, эртанинг, яқин келажакнинг вазифалари нималардан иборат? Кунма-кун, ойма-ой қаддини ростлаётган, жаҳоний минбарларда эътироф этилаётган мустақил, тинч, тотув ва аҳил Узбекистон, муқаддас она юрт олдидаги бурчимизни сидқидилдан адо этмоқ учун яна нималар қилмоқ керак? Бугунги ҳур замон озод Ватан одамини тарбиялашда адабиётнинг, санъатнинг вазифаси нима — шу ва шу каби масалалар хусусида фикр юритмоқдамиз?

Азиз муштарий!

Биз ҳамиша Сизнинг фикрингизга суяниб келганмиз. Бугун ҳам — 1996 йил учун обуна мавсуми бошланган бир пайтда Сиздан янги-янги таклифлар, истаклар, мулоҳазалар кутамиз. Газета бундан буён ҳам Сизнинг яқин кумакчингиз, маънавий йўлдошингиз булиб қолиши учун ҳаммаларингизни ижодий мулоқотга чорлаймиз.

1. Газетамизни қачондан бери ўқийсиз?

2. Сизга қупроқ қайси мавзулардаги мақолалар ёқади?

3. Газета материалларидан қаноат ҳосил қиласизми?

4. Қайси мақолаларимиз ёдингизда қолган?

5. 1996 йилда нималарга (қайси мавзуларга) кўпроқ эътибор беришимизни истайсиз?

6. Ўзингиз ҳақингизда маълумотлар: исмингиз, отангизнинг исми, касбингиз, турар жойингиз.

Мактубларингизни кутамиз.

ТАҲРИРИЯТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОНДА ТЕАТР ВА МУСИҚА САНЪАТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РАҒБАТЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Театр ва мусиқа санъати ютуқларини мустаҳкамлаш ва янада юксалтириш, маданиятнинг ушбу соҳаси ижодий ходимлари меҳнатини рағбатлантириш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида, шунингдек, республика театр ва мусиқа жамоатчилигининг истакларини эътиборга олиб:

1. 1995 йил 1 ноябрдан бошлаб театр-концерт ташкилотлари артистлари ва бадиий ходимлари, театр ва мусиқа санъати ижодий кадрларини тайёрловчи ўқув муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва концертмейстерлари учун:

узоқ муддат хизмат қилганлиги учун лавозим маошига нисбатан ҳар ойлик тақдирлаш пули миқдорлари 1-иловага мувофиқ;

пенсияга чиқишда — амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисоблаб чиқилган асосий пенсияга республикада белгиланган энг кам иш ҳақига нисбатан ҳар ойлик устама миқдорлари 2-иловага мувофиқ белгилансин.

2. Узбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги бир ой муддатда:

республикада театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантиришнинг истиқбол дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Алишер Навоий номидаги давлат академик опера ва балет катта театри ҳузурида 15 кишидан иборат стажёрлар гуруҳи ташкил этсин;

хорижий инвесторларни жалб этган ҳолда театр ва мусиқа санъати учун махсус буюмлар ишлаб чиқариш бўйича корхоналар ташкил этиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

3. Мусиқа санъати соҳасида кадрлар тайёрлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Тошкент шаҳрида консерваториянинг янги комплексини қуриш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин. Узбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги «Узистиқболстат» давлат қумитаси, Молия вазирлиги ва «Давархитектқурилиш» қумитаси билан биргаликда бир ой муддатда ушбу масала бўйича ҳукумат қарори лойиҳасини тайёрласин.

4. Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда театр-концерт ташкилотлари ва кўрсатиб ўтилган ўқув муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун 1996-1997 йилларда бюджетдан маблағ ажратишни назарда тутсин.

5. Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур фармоннинг жорий этилишига алоқадор харажатларни маблағ билан таъминлаш манбаларини аниқласин.

6. Узбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 20 кун муддатда амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларга қўшимчалар тўғрисида таклифлар тайёрласин.

7. Вазирлар Маҳкамаси мазкур фармонни бажариш юзасидан икки ҳафта муддатда қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти — И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1995 йил 20 октябр.

ТАШАККУР

Ушбу фармон республика театр-концерт ташкилотлари артистлари, бадиий ходимлари, театр ва мусиқа санъати бўйича ижодий ходимлар тайёрловчи ўқув муассасалари профессор-ўқитувчилари ва концертмейстерларини беҳад хурсанд этди. Уларнинг ўз касбларига булган меҳрларини янада оширди.

Яширишнинг ҳожати йўқ, бозор иқтисодиёти даврида театр ва коцерт ташкилотларидаги аҳвол мақтанадиган даражада эмас. Шу соҳа ўқув юртлари мураббийлари ва концертмейстерлар учун барча шароитлар яратилган деб булмайди. Лекин бундай қийинчиликларга бардош бериб, миллий санъатимиз, маданиятимизни янада ривожлантириш учун фидойилик қилаётган санъат аҳли кўпчиликни ташкил этади. Улар бу қийинчиликларнинг вақтинча эканлигини яхши тушунадилар.

Юртимиз мустақилликнинг бешинчи йилига қадам қўйди. Санъат аҳли ва маданият ходимларининг асосий вазифалари мустақилликни мустаҳкамлашда, уни одамлар қалбига ва онгига чуқурроқ сингдиришда ҳақиқий фидойилик намуналарини кўрсатишдан иборат. Бу умрбоқий мавзуда ажойиб ва гўзал асарлар яратишимиз лозим. Айниқса театрларимиз, концерт ташкилотлари, ансамбллар ҳали санъатсевар халқимиз олдида қарздор. Меҳнаткашлар билан тез-тез учрашиб, ижодий мулоқотлар ўтказиб, уларга маънавий-руҳий мадад беришимиз асосий бурчимиздир.

Театр ва мусиқа санъати томошабин билан тирик. Томошабинларни йўқотган театрнинг зали ҳувиллаб қолади. Концерт ташкилотлари ҳам шундай. Афсуски, бундай ачинарли ҳол юз бермаслиги учун репертуарни томошабинларни жалб этадиган ҳаётий асарлар билан бойитиш керак. Ижодий фаолиятимизнинг асл моҳияти ҳам шунда.

Ажойиб фармон учун Президентимизга ташаккур билдирамиз. Мустақил республикамиз санъатини, маданиятини юксалтиришда куч-ғайратимиз, талантимизни аямаймиз, деб ишонтирамиз.

Ўлмас САИДЖОНОВ,
М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси директори,
Ўзбекистон халқ ҳофизи

ХАЛҚ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ ЯРМАРКАСИ

24 октябр куни Тошкентдаги Алишер Навоий ёдгорлиги мажмуи майдонида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 50 йиллик юбилейига бағишланган Узбекистон ҳунармандларининг биринчи республика ярмаркаси тантанали равишда очилди. Ярмарка Узбекистон Республикаси маданият ишлари вазирлиги ҳамда БМТнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ўтказилмоқда.

Ярмарка ҳунармандлар фаолиятини халқ оғзаки ижодида акс эттирувчи театрлаштирилган томошалар билан бошланди.

Қўргазмада Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри усталари ҳамда ҳунармандларининг иш намуналари намойиш этилмоқда. Бу ерда республикамиздаги ҳар бир вилоятнинг ўзига хос ва бетакрор ҳунармандчилик мактаби билан танишиш мумкин. Хусусан, Самарқанднинг етти иқлимга машҳур нонлари, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё чеварларининг каштаю гиламлари, Чуст пичоқларию Андижон дўппилари, кандакорлар, сандиқчилар, сўзаначиларнинг ранг-баранг, нақшинкор буюмлари кўзни қамаштиради.

Ярмаркага қўйилган ўзбек халқининг амалий санъати ва ҳунармандчилиги маҳсулотлари миллатимизнинг ўтмиши ҳамда бугунини, унинг урф-одатлари, анъаналарини ўзида кенг акс эттиргани билан диққатга сазовор. Зеро, миллий ҳунармандчиликнинг тикланиши жамиятимиздаги маънавий янгиланиш жараёни билан уйғунлашиб бормоқда. Ярмарка давомида энг истеъдодли халқ усталари аниқланиб, уларга ЮНЕСКОнинг махсус мукофотлари топширилади.

Узбекистон ҳунармандлари ярмаркасининг очилиш маросимида БМТнинг Узбекистондаги доимий вакили Холид Малик, республика Бош вазири А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг давлат маслаҳатчиси Ҳ. Жураев, Бош вазири ўринбосарлари Д. Ғуломова, Р. Юнусов ва К. Раҳимов қатнашди.

(ЎзА).

ҒОЛИБЛАРНИ ҚУТЛАЙМИЗ

Илгари хабар берганимиздек, Ўзбекитон Маданият ишлари вазирлиги, БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорликда БМТ ташкил этилганлигининг 50 йиллиги муносабати билан халқ усталари ва ҳунармандларнинг биринчи республика ярмаркасини ўтказди. Алишер Навоий номидги меъмориал мажмуида бўлиб ўтган ярмарка сўнгида ҳайъат аъзолари қуйидаги ғолибларни эълон қилди:

Бухоро вилоятидан Шокир Камолов, Алишер Нарзуллаев, Муҳиддин Болтаев, Андижон вилоятидан Мирзабаҳром Абдувоҳобов, Фарғона вилоятидан Иброҳим Комилов, Самижон Аҳмадалиев, Турғунбой Мирзааҳмедов, Хоразм вилоятидан Раҳимберди Матчанов, Ҳайитбой Боғбеков, Наманган вилоятидан Мақсудали Туробов, Сурхондарё вилоятидан Муҳаммадрасул Зуҳуров, Самарқанд вилоятидан Облоқуловлар оиласи ва Санобар Раҳматуллаева, «Усто» бирлашмасидан Иброҳим Жўраев, Акбар Раҳимов, «Санои нафис» гуруҳи (раҳбар Тоҳир Болтабоев), республика «Мусаввир» фирмасидан Абдувосиқ Саидалиев, Аброр Турсунов, П. Бенков номидаги республика бадиий билим юртидан Ортиқ Файзуллаев. Уларнинг ҳар бирлари «Усто гувоҳномаси» ва минг АҚШ доллари билан тақдирландилар. Шунингдек, бир гуруҳ халқ усталари ва ҳунармандларига БМТ, ЮНЕСКО ва Маданият ишлари вазирлигининг «Фахрий ёрлиғи» берилди. Бухоро, Андижон, Самарқанд, Фарғона, Наманган, Қашқадарё, Тошкент вилоятлари ўз павилионларини юксак маҳорат билан безаганликлари учун махсус дипломларга сазовор бўлдилар. Барча ғолибларни чин дилдан қутлаймиз.

2-бет

БОШЛАНИШИ ЧАККИ ЭМАС!

Жамоа хўжалиги аъзолари ёппасига «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»га обуна бўлишди

Бу хушхабарни жамоатчи мухбиримиз Ғулом Шомурод қунгироқ қилиб етказганда, газетамизнинг халқ ичидаги обру-эътиборидан яна бир бор қувондик. Шубҳасиз, бу қувонч масъулиятни тағин чуқурроқ ҳис этишга ундайди.

Хуллас, гап шундаки, Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги «Узбекистон» жамоа хўжалиги аъзолари хўжалик ҳисобидан «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»га обуна бўлишди.

— Бу уринда тасодиф йўқ, бизнинг хўжалик меҳнаткашлари газетанинг ҳар бир сонини орзиқиб кутишади. Газетани бутун оила бўлиб, қўлма-қўл ўқиб чиқамиз, - дейди хўжалик раиси Ибодулла Ҳикматов. — Халқимиз адабиёт ва маданият, санъат ва ижтимоий ҳаётнинг долзарб масалаларини, янгиликларни фақат Адабиёт газетаси орқали билиб бораётгани сир эмас.

Меҳнат фахрийлари Ҳамид Норпулатов, Латиф Зоиров, Эргашой Болтаева, илғор теримчилар Қурсия Омонова, Қизбиби Аҳмедова, Муҳтарама Муродова «Узбекистон адабиёти ва санъати» газетасига биринчилардан бўлиб ёзилишди.

Умуман, биринчилик «Ўзбекистон»ликларга хос фазилат. Бу йил жамоа хўжалиги пахта планини вилоятда биринчи бўлиб бажарди. 53 гектар ернинг ҳар гектаридан салкам 45 центнердан ҳосил олди. Қудрат Раҳмонов, Муртазо Файзуллаев, Акмал Неъматов, Ҳожи Остонов бошлиқ бригадаларда эса бу кўрсаткич 48—50 центнердан ошди. Терим ҳали давом этяпти.

Биз илғор пахтакорларга ҳорманг деймиз. Уларнинг баҳорда умид билан ерга қадаган чигитлари мўл ҳосил бергани тайин. Кузда эса «Узбекистон адабиёти ва санъати»га обуна бўлиб янглишмагани аниқ.

Қадрли муштарий, Сиз ҳам ўйлаб кўринг, адашманг!

ОБУНА НАРХИ

Республика вилоятларида ва Қорақалпоғистонда:

- **Якка тартибдаги обуначилар учун:**
  Нашр индекси — 64593
  Олти ойга — 204.00 сўм.
  Бир йилга — 408.00 сўм.
- **Ташкилотлар учун**
  Нашр индекси — 64580
  Олти ойга — 256 сўм 20 тийин.
  Бир йилга — 512 сўм 40 тийин.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА

- **Якка тартибдаги обуначилар учун**
  Олти ойга — 162 сўм.
  Бир йилга — 324 сўм.
- **Якка тартибдаги обуначилар обунани абонент қутиларига расмийлаштирган ҳолларда:**
  олти ойга — 144 сўм.
  бир йилга — 288 сўм.
- **Ташкилотлар учун:**
  олти ойга — 251 сўм.
  бир йилга — 512 сўм.
  Ташкилотлар обунани абонент қутиларига расмийлаштирган ҳолларда:
  олти ойга — 222 сўм.
  бир йилга — 444 сўм.
  Обуна давом этмоқда.

Ф СП–1

Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»
"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" 64593
(нашр кўрсаткичи)

газетасига ОБУНА

обуна сони

1996 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга
(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга
(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

ГАЗЕТАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

п.в.	жойи	64593

(нашр кўрсаткичи)

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати"
(нашр номи)

обуна янги манзилга юборилиш	баҳоси	сўм	обуна сони
	баҳоси	сўм	

1996 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга
(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга
(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

ҲУНАР ИНСОННИ УЛУҒЛАЙДИ

Республикамизда биринчи марта халқ усталари ва ҳунармандларнинг ярмаркаси муваффақиятли ўтди

Алишер Навоий ҳайкали ва мемориал мажмуининг очилишида нутқ сўзлаган Президентимиз Ислом Каримов шундай деган эди: «Мен ишонаманки, Навоий ҳайкали, боғи шаҳримизнинг, диёримизнинг энг гўзал ва асосий зиёраттоҳи бўлиб қолади.

Бу ер йиллар, асрлар давомида катта халқ тантаналари, қарияларимиз, ёш авлодимизга, халқимизга малҳам, руҳий мадад берадиган севимли ва мароқли бир оромгоҳга айланади, деган катта умидим бор. У ижод аҳли учун илҳом маскани ва камолот каъбасига айланиб кетса ажаб эмас».

Президентимизнинг пок ният билан қилган башорати тўғри чиқди. Ҳақиқатан ҳам, Алишер Навоий номидаги гўзал боғ 24-26 октябр кунлари халқ усталари ва ҳунармандларнинг ижод ва илҳом масканига айланди. Улуғ шоир ҳайкали пойидаги майдонда республикамизнинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон республикасидан келган ҳунармандларнинг ярмаркаси ўтказилди. Майдонда ҳар бир вилоят ўз расталарини ташкил эттан. Расталар алоҳида ўзига хос безаклар билан безатилган.

Ярмаркага кираверишда андижонлик машҳур дурадгор Абдувоҳидхожи Турақулов юксак маҳорат билан ясаган улкан дарвозага кўзингиз тушади. Ундаги ҳар бир ўймакорлик ишлари диққатингизни тортади. Дарвозани синчиклаб томоша қилган сайин ҳайратга тушаверасиз.

Андижонлик халқ усталари ва ҳунармандларнинг ярмаркага ҳар томонлама жиддий тайёргарлик кўрганликларини расталарни безаб турган халқ амалий санъати буюмлари, маҳсулотларининг ранг-баранглигидан билса булади. Уларнинг расталари харидорлар, мутахассислар ва меҳмонлар билан доим гавжум бўлиб турди. «Усто» бирлашмасининг Андижон вилоят бўлими, «Андижон мебел» ҳиссадорлик жамияти ҳунармандлари ясаган турли буюмлар, маҳсулотлар алоҳида қизиқиш уйғотди. Таниқли ёғоч ўймакор устаси Йўлбарс Утаганов ярмаркада фарзандлари Лутфулла, Умидилло, шогирди Бекмирза Бегматов билан ҳамкорликда ясаган эшик, саккиз қирали стол, стуллар билан қатнашди. У кишининг мамнун бўлиб айтишича, Избоскан туман ҳокимлиги ер ажратиб, 50 ўринли ҳунар мактаби қурилишини бошлаб юборган.

Кандакор ва пичоқсоз Муҳаммадсодиқ Неъматов ясаб келган пичоқлар, «Шамшири Бобурий» деб номланган қилич ҳамда ханжар кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Бу ҳақда устанинг ўзи шундай дейди:

—Бизнинг авлодда ҳунарманд бўлмаган. Кандакорликни ўзим қизиқиб ўрганганман. 17 йилдан буён шу ҳунар билан шуғулланаман. Укаларим — Муҳаммадсиддиқ, Қосимжон, Илҳомжон, Бахтиёр ҳам мазкур ҳунар сирларини пухта билишади. Ҳозир ака-укалар биргалашиб «Кандакор» кичик корхонаси очганмиз. Асосан, пичоқ, қилич, ханжарни совға буюмлари сифатида ишлаймиз. Республикамизда бундай ярмарканинг ўтказилиши ҳунармандлар учун яхши бўлди. Бухоролик, қўқонлик, чустлик кандакор усталарнинг ишларини кўрдик. Улар менга жуда ёқди. Шунингдек, улар ясаган буюмларни кўриб, кўп нарсаларни ўргандим. Айниқса, бухоролик Камоловлар сулоласи бажарган ишлар кишини ҳайратга солади. Чустлик пичоқсозлар санъатининг ўзи бир олам. Хуллас, ярмарка ҳунармандлар учун танишув, ўрганиш ва бир-бирининг ижодини такомиллаштиришда катта аҳамиятга эга. Шу ўринда айрим мулоҳазаларни айтмоқчи эдим: тегишли идоралар ҳунармандлар учун керакли хомашёларни етказиб берса, уларни рағбатлантириб турса яхши бўлади. Солиқлар масаласини ўйлаб кўриш керак. Даромад солиғи тўлаймиз. Лекин қўшимча қиймат солиғини ўйлаб кўриш керак. Бу ҳунармандларни бироз қийнаб қўйяпти...

Самарқандлик халқ усталари ва ҳунармандлар ҳам ярмаркага жиддий тайёргарлик кўрганлар.



Улар халқ амалий санъатининг 18 тури бўйича буюмлар, маҳсулотлар олиб келганлар. Улар орасида машҳур халқ устаси Маҳкам Облоқуловнинг ўғиллари Номоз, Нўъмон Облоқуловлар бор. Ургутлик сандиқсозлар Уроқ, Раим Жамоловлар, 71 ёшли сузаначи Сабоҳат момо Раҳматуллаева шогирди Гулчеҳра Қосимова билан, тўндуз Раъно Ғофурова, миллий мусиқа асбоблари устаси Адаш Алиев, Афғон-Бухоро-Самарқанд гилам тўқиш қўшма корхонаси ҳунармандлари муваффақият билан иштирок этдилар. Айниқса, попирчилик, яъни матога нақш берувчи Салима Луқмонова, Абдулла Рашидов маҳоратига кўпчилик тасанно айтди. Шунингдек, Самарқанд совғаларини ясайдиган «Рассом» фирмаси маҳсулотлари ҳам яхши баҳоланди.

Марғилонлик Адолатхон опа Ғуломова билан бўлган суҳбатимиз асосан дўппидузлик ҳунари ҳақида боради.

— Менга бу касб онам Турсуной Йўлдошевадан мерос бўлиб қолган, — дейди опа. — 45 йилдан буён дўппи тикаман. Қизларим — Ойшахон, Сапурахон, Ўктамой, Дилфузахон, Махфузахонлар ҳам дўппидуз, Ярмаркага 11 хил Марғилон дўпписини тикиб олиб келганмиз. Уларнинг бир қисми машинкада тикилган. Дўппиларнинг номлари «Тақдузи», «Бахмал», «Бодом қуёв», «Ироқи» деб аталади. Биргина «Тўйбола» дўппиларнинг ўн хили бор. Ҳозир оқ дўппилар тикаяпмиз. Шунингдек, тўнлар, паранжи, чорси тикаман. Мен бу дўппини атайлаб ярмарка учун тикиб келдим.

Опанинг қўлидаги дўппи тепасида Ўзбекистон герби акс этган. Ёнига: «Ислом нури сочилган мустақиллигимизни Оллоҳ муборак этсин» деган сўзлар ёзилган. Биз ҳам у кишининг ниятларига қўшиламиз.

Қўқонлик саватчи Саломатхон Солиева, данғаралик тароқчи Отахон Маматов ясаган буюмлар ўзига хослиги, ноёб услуби билан алоҳида ажралиб турди.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳунармандлари ҳам ярмаркага астойдил тайёргарлик кўрган. Гиламдўз Гулистон Давлатмуротова, кулол Мақсад Раимберганов, ёғоч ўймакор Қурбонбой Абдуллаев, қадимги миллий кийимларни тикувчилар Маржон Заринбоева, Айзада Удербоева, Элиха Собирова тайёрлаб келган маҳсулотлар, ҳунармандчилик буюмлари қорақалпоқ халқининг амалий санъати қадимийлиги, ўзига хос ва ранг-баранглигини кўрсатиб турибди.

Болалар бадиий ижодиёти Республика Марказий ҳунармандларининг ишлари диққатга сазовор. Ярмаркада марказнинг Тошкент, Бухоро, Самарқанддаги филиаллари томонидан тайёрланган бежирим буюмлар, маҳсулотлар ҳам намойиш этилди. Кулоллар Чўлпон Содиқов, Шуҳрат Ғиёсов, миллий мусиқа асбоблари устаси Каромат Муқимов, заргар Акром Собиров, зардўз Шоира Соибова, каштачилар Дилором Солиҳова, Зумрад Шодиёрова, бадиий безак устаси Зокиржон Боситхонов ва бошқалар томонидан бажарилган ҳунармандчилик ишлари ярмаркага алоҳида кўрк бағишлади. Ва халқ амалий санъатининг умрбоқийлигидан далолат бериб турди. Худди шундай фикрларни П. Бенков номидаги республика санъат билим юртининг иқтидорли ўқувчилари ҳақида ҳам айтиш мумкин.

Сурхондарё вилояти, Ангор тумани маданият бўлими ташаббуси билан ўрнатилган ўтов-уйда сурхон ҳунармандларининг 17 хил буюмлари, маҳсулотлари намойиш этилди.

Ярмарка кунлари меҳмонлар, унинг иштирокчилари ва мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

Абдулла ОРИПОВ: Ўзбекистон халқ шоири:

— Ярмаркани айланиб кўриб шу хулосага келдимки, агар шуролар тузумидаги сиёсат давом этаверганда, бундай ноёб ҳунармандчилик турларини 50-60 йилдан сўнг киночилар ҳам излаб тополмасди. Мустақиллик шарофати билан халқ амалий санъати худди чашмадай қайнаб чиқди. Халқ усталарининг ижоди ҳам бадиий асар, ҳам буюм. Буларнинг ҳар бирига биттадан кичик фабрика очиб берса арзийди. Юртни маҳсулотта тўлдириб ташлайди. Агар тарихга назар ташлайдиган бўлсак, аслида бундай кўргазмаларнинг асосчиси Амир Темур бобомиз бўлганлар. У киши 6-7 та набирасини уйлантириб, Конигилда катта қўштўй берган. Тўй кунлари халқ усталари ва ҳунармандларнинг махсус кўргазмасини ташкил этган. Кўргазмада турли хил буюмлар, маҳсулотлардан ташқари томоша учун пахтадан ясалган минора, сомондан тайёрланган суворий қиёфаси намойиш этилган. Ҳатто суворийнинг кўзлари, киприклари аниқ ясалган. Уша пайтда халқ амалий санъатининг 110 хили бўлганлиги маълум. Қаранг, ҳозир қанчаси қолган? Шу маънода ярмарка ҳунармандчилик турларини қайта тиклаш вазифасини бажараяпти. Буларнинг ҳаммаси халқ анъаналарининг ўлмас ва умрбоқий белгисидир.

Юлдузхон АЛИМОВА, Марғилон шаҳар ҳокими муовини:

— Марғилонда ҳозирги пайтда халқ ҳунармандчилигининг 50 тури мавжуд. Илгарилари одамлар бирор бир ҳунар билан шуғулланишларини яшириб юришарди. Бекитиб дўппи тикиб сотишарди. Ҳозир ҳунарга кенг йўллар очилди. 3,5 минг одам якка тартибда ҳунармандчилик билан шуғулланади. Айниқса, тўқимачилик, косибчилик кескин ривожланиб боряпти. Атласнинг янги нусхалари ишлаб чиқиляпти. Шаҳримизда ҳунарманд аёллар уюшмаси ташкил этилган. «Ёдгорлик» жамоа корхонасида миллий ҳунармандчилик буюмлари ишланади. Ҳокимият халқ усталари ва ҳунармандларга шароитларни яратиб беряпти. Бозорларни янада кенгайтиряпмиз. Марғилонда ҳар йили ҳунармандларнинг байрамини ўтказамиз. Шаҳарда миллий ҳунармандчилик лицейи очилди. 450 нафар ўқувчиси бор. Меҳнат биржаси қошида устоз-шогирд курслари ташкил этилди.

Ярмарканинг ўтказилиши жуда яхши. Уни анъанага айлантириш керак. Бу учун махсус низом бўлиши шарт. Шунда палапартишликка йўл қўйилмайди.

Мурод РАҲИМБОЕВ, Сирдарё вилоят маданият ишлари бошқармаси бошлиғи:

— Ярмарка ҳаммамиз учун ўрганиш мактаби бўлди. Худди шундай тадбирларни вилоятларда ўтказишни анъанага айлантирса бўлади. Айниқса, халқ усталари ва ҳунармандлар ишларидан Ўзбекистондаги қатор мамлакатларнинг элчилари, консуллари ва чет эллик меҳмонлар катта завқ олдилар. Бу ярмарка маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлди. Унда алоҳида павилони билан қатнашган сирдарёлик ҳунармандлар сандиқ, бешик, ҳува, ўғра, чўмич, капкир, сўзаналар, гиламлар, кулолчилик маҳсулотларини намойиш этдилар. Вилоятимизда халқ ҳунармандчилигининг энг қадимий турлари астасекин тикланяпти. Ўйлайманки, келгуси йил ўтказиладиган ярмаркада сирдарёлик халқ усталари ва ҳунармандларнинг сафи яна ҳам кенг, яна ҳам тўла бўлади...

Ярмарка ҳақиқатан ҳам республика ҳунармандларининг унутилмас байрамига айланди. Ҳунар инсонни улуғлайди, камолотга етказади, авлодларни бир-бирига боғлайди. Ҳунар туфайли миллат жаҳон маданияти ва маънавияти сари юз тутади. Узини ва ўзлигини намоён этади.

Ашурали ЖЎРАЕВ, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»нинг махсус мухбири

ЧАВАНДОЗЛАР КЎПАЙСИН

Республикамизда биринчи марта ўтказилган халқ усталари ва ҳунармандлари ярмаркасига қадим Қашқадарё вилояти ҳунармандлари алоҳида тайёргарлик кўриб келган. Улар ярмарка низомига мувофиқ халқ амалий санъатининг 20 тури бўйича ўз ҳунарларини намойиш этдилар. Мазкур ярмаркада қатнашишдан олдин вилоятда ҳунармандларнинг кўрик танловини ўтказдик. Унда барча туманларнинг халқ усталари, ҳунармандлари фаол қатнашдилар. Ғолибларни республика ярмаркасига олиб келдик. Қарши шаҳридан Гулчеҳра Примованинг зардўзлик, косонлик Ирода Бойқулованинг каштачилик, Антонина Федоровонинг қўлда тикилган буюмлари, баҳористонлик Нурсултон Андаевнинг туркманча қуроқлари, Салим Халилов тайёрлаган бежирим ёғоч ўймакорлиги, Жалил Темировнинг сержило гиламлари, Иноят Қодиров маҳорати билан ясалган миллий мусиқа асбоблари, касбилик Бозор Итолмасовнинг турли хил кулолчилик маҳсулотлари ярмаркада юксак баҳоланди. Чироқчилик 80 ёшли Абдужалил ака Қўлдошев ясаган миллий чавандозлик буюмлари — эгар, ҳуржун, этик, чавандознинг бош кийими ягоналиги ва ўзига хослиги билан ярмарка павилонида ажралиб турди. Отанинг ижоди кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди.

«Мана отнинг эгар жабдуқлари тайёр. Энди отга минадиган чавандозлар кўпайсин», — дейди Абдужалил ота ҳазиллашиб.

Узбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Садриддин Салимов ва унинг шогирдлари тайёрлаган кандакорлик, ўймакорлик, наққошлик, темирчилик буюмлари, рассомлар чизган тасвирий санъат асарлари ярмарка ҳайъати томонидан эътироф этилди. Шунингдек, қашқадарёлик заргарлар Г. Абдуллаева, Н. Толипова, Н. Раҳматова, гилам тўқувчилар С. Ҳайдавалова, Н. Жўраева, Г. Хушвақтова, Ю. Эшонқулов, Т. Чўтбоев, бешиксоз Т. Рузалиев, темирчи Ш. Раҳматов, бадиий безак устаси Ж. Худдиев, чинникор З. Раҳматов тайёрлаб келган бир-биридан ажойиб ва юксак маҳорат билан ишланган буюмлар, маҳсулотларни санъат ихлосмандлари қизиқиш билан томоша қилдилар.

Халқ ҳунармандчилигини ривожлантиришда вилоят ҳокимлиги ва маданият ишлари бошқармаси жиддий эътибор бераётир. Усталар учун керакли шароитлар яратилаяпти. Устоз-шогирд анъаналари қайта тикланяпти. Шаҳрисабзда ҳунармандчилик билим юрти иш бошлади.

Бир сўз билан айтганда ярмарка халқ усталари ва ҳунармандлар учун ўрганиш, ўз ижодларини янада мукаммаллаштириш учун мактаб-тажриба вазифасини ўтади.

Биз келгуси йили соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган ярмаркага қандай тайёргарлик кўриш кераклигини ҳозирдан чамалаб олдик. Чунки ушбу ярмарка биз учун ҳар томонлама сабоқ бўлди. Айни пайтда йўл қўйилган айрим етишмовчиликларни ҳам билдик.

Мустақил юртимизда халқ амалий санъати ривожига ҳар томонлама эътибор берилаяпти. Қадим ҳунармандчилик турлари қайта сайқал топяпти. Ҳунарли элнинг келажаги порлоқ бўлишига ишонаман.

Маматқул РАЖАБОВ, Қашқадарё вилоят маданият ишлари бошқармаси бошлиғи

БАХШУЛЛО ЗАРДЎЗ

Бухоролик машҳур зардўз Бахшулло Жумаевнинг номи фақат республикада эмас, балки жаҳоннинг қатор мамлакатларида бўлиб ўтаётган халқ амалий санъати кўргазмаларида, ярмаркаларда тез-тез тилга олинади. Ўтган йили Покистонда бўлиб ўтган ҳунармандларнинг биринчи халқаро фестивалида қатнашган Бахшулло Жумаевнинг зардўзлик ва каштачилик ижодидан намуналари юқори баҳоланиб, биринчи ўринга сазовор бўлди. Шунингдек, устозлари, оила аъзолари билан тайёрлаган қимматбаҳо зардўзлик буюмлари Саудия Арабистони, Эрон, Ҳиндистон, Америка, Германия мамлакатлари музейларида, тарихий биноларда сақланмоқда. Шу кунларда унинг рафиқаси моҳир зардўз Муқаддасхон Жумаева ажойиб зардўзлик намуналарини Швейцарияда бўлаётган кўргазмада намойиш этмоқда. Бахшулло эса фарзандлари билан республика ярмаркасида муваффақиятли қатнашди.

Бахшулло Жумаев Бухоро давлат университетининг бадиий графика бўлимини тугатиб, ранг-тасвир, графика, мозайка, ҳайкалтарошликда ўз иқтидорини синаб кўриб, анча тажриба орттирди. Лекин дилидаги асосий нияти наққош бўлиш эди. Бу борада анча изланишлар олиб борди. Бухоро зардўзлик фабрикасида бош наққош бўлиб ишлади. Бу ерда марҳум устози Нуъмон Аминовдан, Узбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Тамара Ғайбуллаевадан зардўзлик ҳунарининг ноёб сирларини ўрганди. У узоқ йиллар фабрикада ишлаб, унинг шуҳратини оширишда салмоқли ҳисса қўшди.

Ҳозир Бахшулло Жумаев Бухоро шаҳрининг Тоқителпакфурошон гузарида шахсий дўкон очган. Мустақил иш юритиш ҳунарманд учун ҳам, зардўзлик ҳунарининг ривожи учун ҳам қўл келяпти. Лекин у қадрдон фабрикасидан алоқасини узгани йўқ. Катта буюртмаларни, йирик панноларни фабрикадагилар билан бирга тикишади. Республикамиз мустақиллигига бағишланган «Бухорои Шариф», «Қўштовус», «Гултувак», «Навоий» сиймолари туширилган зардўзлик матолари ана шундай ижодий ҳамкорликнинг мевасидир. Уларни тайёрлашда уста зардўз Нурмат Султонов, устои гулбур Саломжон Ғуломов, моҳир зардўзлар Зебо Валиева, Салима Сирожиева, Робия Низомоваларнинг катта ҳиссалари бор.

Ҳозир зардўзлик ҳунарининг 30 хил усули борлиги аниқланган. Б. Жумаев ана шу усулларни пухта эгаллаган. Масалан, биргина «Товус» панносини олиб кўрайлик. Унда «Гулдузи», «Заминдузи», «Сидидузи», «Мавжтунук», «Харақдузи»,

«Қобули» сингари бир қанча зардўзлик усуллари нозик дид ва маҳорат билан ишлатилган.

Республика ярмаркасида намойиш этилган ўндан ортиқ зардўзлик буюмлари Бахшулло Жумаев санъатининг нақадар юқорилигини кўрсатиб турибди. У намойиш этган ва ярмарка кунларида тайёрлаган буюмлар мутахассисларда, томошабинлар ва чет эллик меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди.

А. ОЧИЛОВ

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ ЎРТОҚЛАР!

Газета ва журналларга обуна варақчасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, насаби, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақчасидаги «ПВ-Жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазади.

ҚЎҒИРЧОҚЛАР ТИЛГА КИРГАНДА

Дунёга келган чақалоқни биз дастлаб турли-туман ўйинчоқ ва қўғирчоқлар билан овунтиришга ҳаракат қиламиз. Уларнинг ўзига хос оламини бойитиш учун ҳам дастлаб қўғирчоқлардан фойдаланамиз. Жажжи инсоннинг дунё тўғрисидаги оддий «фикрлари» ҳам айнан ана шу қўғирчоқлар орқали уйғонади ҳеч биримиз учун сир эмас. Кичкинтойларнинг она Ватанга бўлган илк муҳаббати, ота-онага ҳурмат, дўстлик, яхшилик, эзгулик, поклик ва меҳнатсеварлик туйғулари ҳам ана шу қўғирчоқлар ёрдамида уларнинг юракларига сингиди.

Тошкент шаҳрида беш кундан буён давом этаётган Республика қўғирчоқ театрининг V анжумани ҳам кичкинтойлар учун ҳақиқий байрам бўлди. Негаки, улар ҳафта давомида турли-туман қўғирчоқ томошаларидан баҳраманд бўляптилар.

Айниқса, фестивалнинг очилишига бағишланган театрлашган томоша кичкинтойлар учун унутилмас бўлди. Карнай-сурнай садолари остида Республика қўғирчоқ театри биноси олдида қўғирчоқлар ижросидаги турли чиқишлар жажжиларга катта қувонч олиб келди. Анжуман очилишида сўзга чиққан Республика Маданият ишлари вазири Эркин Ҳайитбоев, Тошкент шаҳар ҳоким муовини Ф. Абдураҳимова, Театр арбоблари уюшмаси Президенти Бернора Қориева, санъатшунослик докторлари Мамажон Раҳмонов ва Муҳсин Қодиров болажонларни байрам билан табриклаб, қўғирчоқ театрлари вакилларига омад тиладилар. Шундан кейин тантанали равишда театрлар вакиллари томонидан фестивал байроғи кўтарилди. Анжуман «Туркистон — умумий уйимиз» шиори остида ўтаётгани учун Қирғизистон, Қозоғистон республикалари ва Россиянинг Ульяновск вилояти театрлари бу байрамда ўз совғалари билан иштирок этишяпти.

Сирдарё вилоятининг «Қувноқ таёқчалар» ансамбли ўзининг қувноқ ва шўх мусиқалари билан кичкинтойларга қувонч улашмоқда. Жамоа кўп йиллардан бери республика болалар ансамблларининг конкурсларида совриндор бўлиб келмоқда. Унинг бадиий раҳбари — В. Бекмирзаев.

Анжуман очилган куни Республика қўғирчоқ театри ижодкорлари томонидан иккита томоша намойиш этилди. Улардан бири «Оловуддиннинг сеҳрли чироғи» қўғирчоқ спектакли бўлиб, унинг муаллифи Ҳ. Имомбердиев, саҳналаштирувчи режиссер Ш. Юсупов, рассом В. Акудин болажонлар учун катта совға тайёрлашган. Валерий Борисов асари асосида Ш. Юсупов саҳналаштирган «Чодир ҳаёл» спектакли иккинчи қизиқарли томошадир.

— Узбекистонимиз — болажон республика, — дейди биз билан суҳбатда анжуман директори, санъатшунослик доктори, профессор Муҳсин Қодиров, — Узбекистон анча йиллардан буён Марказий Осиёда фестивалларни ўтказиш борасида ибрат бўлиб келмоқда. Фестивалларнинг йўли билан ҳам театр санъатини ривожлантириш мумкин. 1979 йили Осиё мамлакатлари қўғирчоқ театрлари фестивали биринчи марта ўтказилган эди. Узбекистонда биринчи марта 1982 йили узбек драматургияси фестивали бўлиб ўтгандан кейин, 1987 йили Тошкентда илк маротаба Республика қўғирчоқ театрларининг фестивали ўтказилди. Кейин Андижон, Самарқанд ва Бухорода қўғирчоқ театрлари анжуманлари бўлиб ўтди. Фестивалларнинг жараёнида театрлар ижодий бойиб, уларнинг миқдори ҳам ортиб боради. Эндиликда, болалар театрларини кўпайтириш ҳисобига театрлар сонини устиришимиз лозим. Негаки, республикамиз аҳолисининг 50 фоизини болалар ташкил этар экан.

Андижон вилоятининг «Лола» қўғирчоқ театри ҳам дастлабки ташкил этилган театрлардан. Бу театр жамоаси фестивалда иккита томоша билан иштирок этяпти. Улар «Али кичкина» ва «Олтин жўжа» спектакларидир. Ғайратий асари асосида Узбекистонда хизмат кўрсатган артист Баҳодир Жабборов саҳналаштирган «Али кичкина» томошасида ёвузлик устидан яхшилик ғалаба қозонади. Рассом Эркин Жўраев турли безаклар билан, мусиқа танловчи А. Тоштемиров қувноқ куйлар орқали болажонларга яхши кайфият улашишга ҳаракат қилишган. Актёрлар Р. Чўққиев, Г. Қурбонова, К. Парпиев, К. Қосимов, К. Воҳидов ўз маҳоратларини намойиш этишди.

— Биринчи қўғирчоқ фестивалида 5 та театр қатнашган эди, — дейди театр арбоблари уюшмасининг раҳбар муовини, санъатшунослик номзоди Тоҳир Йўлдошев. Ҳозирги фестивалда эса 11 та театрнинг қатнашаётгани қувончли ҳол. Бу байрамга ҳомийлик қилаётган ташкилотлар орасида «Ўзэлектроаппарат» бирлашмаси, Тошкент шаҳар ҳокимиятининг «Ҳудудий мажмуий фойдаланиш» ташкилоти, «Экосан» ва «Соғлом авлод учун» жамғармалари, «Шиваки» «Дост-Вест», «Демир» фирмалари, «Бегарслам» компанияси, Украина ва Белорус Маданият ишлари вазирлиги ва Театр арбоблари уюшмасидир.

Самарқанд вилоят қўғирчоқ театри жамоаси «Сеҳрли муйқалам», «Оби ҳаёт», Фарғона вилоят қўғирчоқ театри «Жирканч урдакча», «Кицик, Мицик ва масхарабоз амаки», Бухоро вилоят қўғирчоқ театри «Оби ҳаёт», «Энг кичик гном», Ульяновск қўғирчоқ театри «Улик малика ҳақида эртак», Қирғизистон республикаси қўғирчоқ театри «Найман эна» (қирғиз тилида), Қорақалпоғистон Давлат қўғирчоқ театри «Шаря» (қорақалпоқ тилида) спектаклларини намойиш этишди. Бугун Хоразм вилоят қўғирчоқ театрининг «Шоҳсанамнинг қиссаси», «Сусамбил» ва Қозоғистон Республикаси қўғирчоқ театрининг «Бремен созандалари» қўғирчоқ томошалари бўлиб ўтади. Эртага эса Жиззах вилоят қўғирчоқ театри жамоасининг «Оби ҳаёт,» «Тоҳир ва Зуҳра», Республика қўғирчоқ театрининг «Оқ қиргийча» спектакллари болажонлар ҳукмига ҳавола этилади. Бу томошалар Республика қўғирчоқ театри биносида намойиш этиляпти. Шунингдек, М. Уйғур номидаги Санъат институти ўқув тетарида ҳам институт талабаларининг «Келинг бир кулишайлик» ҳамда Қашқадарё вилоят қўғирчоқ театрининг «Дангасанинг ҳоли вой» спектакллари намойиш этилди. 29 октябрга қадар давом этадиган бу анжуман болажонларимиз учун унутилмас байрам бўлди.

Адиба ҲАМРО қизи

Жумақул ҚУРБОНОВ

Ҳамхона

Ҳикоя

Эркин дам олиш уйини сураб-суриштириб топди. Унга иккинчи қаватдан жой беришди. Янги соҳиб узига ажратилган хона эшигини очди-ю, тоққа қараган дераза дарпардалари ҳилпираб кетди. Юзига арча, бодом, тоғ райҳони ва бошқа ўту гиёҳлар ҳидига тўйган эпкин урилди.

Эркин нарсаларини жойлаштира бошлади. Чоғроққина хонанинг ярми унга тегишли, бошқа қисми бировга. Ҳамма дам олиш уйларида шундай, битта хонада иков — биров бировга шерик. У кийимларини жавонга илар экан, шеригининг пурим усти боши, қиммат пойафзалига кўзи тушди. Тўшаги ҳам жуда батартиб, столга бир неча жилд ноёб китоблар терилган... Унинг анча-мунча дилли, фаросатли, узидан тўрт-беш ёш каттароқ эканлигини чамалади. Ҳамхонаси ёмон одамга ўхшамайди. Бинонинг ташқарисиданми, йўлакданми, ора-сира эшитилаётган овозларга қулоқ тутиб оромкурсига чўкди. Ҳали нотаниш ҳамхонаси тўғрисида хаёлга берилиб, кўзи илинди. Хона эшиги очилиб, аллакимнинг киргани шовуридан уйғониб кетди.

— Ассалому алайкум!

— Ва алайкум ассалом!

— Ҳамхонамнинг кетганига икки кун бўлди,— деди кирган киши қулимсираб,— дарров ўрни билинди-қолди. Сизни худо етказди. Танишиб қўяйлик, исмим Фарҳод.

— Эркин,— узини таништирар экан, Фарҳоднинг ўрта бўйли, тўладан келган, очиқ чеҳрали йигит эканини кўрди. Ёши ҳам нари борса уттиз беш-ларда, узидан икки-уч ёш фарқи бор, холос. Ташқи кўринишидан ёмон одамга ўхшамайди.

— И-е, шахмат, карта пайдо бўлибди-ку,— Фарҳоднинг кўзлари дарров янгиликни илғаганди,— энди уйқу йўқ эканда?!

— Ҳа, эрмак-да...

— Айтмоқчи, тушликка бормаймизми?— деди Фарҳод соатига қараб. — Тугашига оз қолибди-ку. Чой-пой ичдингизми?

— Йўқ. Лекин уйдан у-бу пиширтириб келгандим, шуларни тамадди қилсак қандоқ бўларкин?!

— Бўлар тураверсин,— Фарҳод кунмади.— Ана, музхонага қўйинг. Ҳали чангини чиқарамиз.

У қаҳ-қаҳ уриб кулди. Эркин қўшилди.

— Тушликда ошхонада бир кўринмасак бўлмайди.— Фарҳод тагин изоҳ берди,— бошқа шериклар хавотир оладилар. Иккитаси айниқса ўрганиб қолган. Дарров дўстликка хиёнатда айблашади.

— Бўпти, борганимиз бўлсин.— Эркин унга эргашди. Улар гилам тўшалган узун йўлак бўйлаб бориб, кенг ошхонага чиқишди. У ерда одам кўп эмасди. Узларига ўхшаган тўрт-беш кечиккан дам олувчилар.

Эшик ёнидаги ўриндиқда иккита ҳурилиқо қиз ўтирибди. Улар Фарҳодни кўришлари билан ўринларидан туриб, ҳазил, қочирим отишди. Аммо, унинг қандай жавоб қилганини Эркин англамади. Қизлар йигитлар билан муомаланинг ҳадисини олган шекилли, Эркинга тортинмай савол назари билан қарашиб, салом беришди. Ўрта бўй, қоши кузи чатма, сочларини елкасига ёйиб ташлаган, кулча юзларидан шаддодлиги билиниб турғани — Гуля — Гулжаҳонми, Гулнорами, ундан бўйи сал узунроқ, сочи жингалак ва юзини билинар-билинмас сепкил босгани Диля — Дилоромми, Дилбарми экан. Енгил-енгил, нафис матодан замонавий фасондаги енги очиқ, ёқаси деколте, этаги қисқа кўйлак кийишган, тинмай гапиришар, ҳар нарсага кулишарди. Эркин азалдан сергап қизларни ёқтирмасди. Худо кўсатмасин, мабодо хотини шундай бўлса борми, додини кимга айтарди?! Яхшиям Ойниса оғир жувон.

Фарҳоднинг парвойи палак. Уларга тегишар, ҳазиллашар эди. Овқат вақти қувноқ ўтди. Эркин ора-сира гапга қўшилар, бу борада Дилянинг Гуляга қулоқ осиши, дугонасининг ҳокимлигини англади. Тушликдан сўнг ошхона олдидаги хиёбонга чиқишди. Бу ер салқин, дарахтлар қуюқ соя ташлаб турар, сал нарида отилаётган фаввора атрофни янада гўзал, кўримли кўрсатарди. Мажнунтоллар шамолда оҳиста тебранади. Қорли тоғлардан берида ўркач-ўркач адирлар ястаниб ётибди. Тепада нимадир қаттиқ шовуллайди. «Шаршара» деди Фарҳод. Ҳозир шу ерга бориб музқаймоқ еймиз. Эркин ҳам кўпчиликка эргашди. Фарҳод шундай усталик билан Диляни Эркинга ҳамрох қилиб қўйдики, эътирозга ўрин қолмадиям.

— Қизлар қанча гўзал бўлмасин оҳудай ҳуркак, йигит эса бамисоли арслон,— деди у тантанавор оҳангда,— тоғларда қирлар кўп. Суқмоқ йўллар хатарли. Дўстим, бу қиз учун бошингиз билан жавоб берасиз.

Улар тепага ўрлаган ёлғизоёқ йўлдан боришиб, кўп ўтмай шаршаранинг олдидан чиқишди. Тоғ тепасида тошларни оралаб нақ бир тегирмон сув пастга отилар, овози узоқ-узоқларга эшитиларди. Шаршара олдидаги майдонча анча баландда жойлашганидан узоқ-яқинлар кафтдагидек кўзга ташланарди. Бу ер янаям салқин. Мажнунтоллар остида стол-стуллар, сал нарида музқаймоқ сотиладиган дўкон. Негадир одам кам. «Кечқурун кўпайса керак, анча баҳаво бўлади» — Эркин ҳаёлидан кечирди. Пастда, водийда ҳозир саратон нақ ёндираман дейди. Уйдагилар мириқиб уйқуни уришаётган бўлса керак. У хотини Ойниса ва тўрт ёшли ўғли Алишерни кўз олдига келтириб ширин энтикди. Сўнг хаёли устози — бошқарма бошлиғи Меҳрибон Қучаровга оғди. Устози яқинда уни олдига чақириб, қўлини маҳкам қисиб насиҳат қилди: — Яхши ишлаяпсиз, сиздай кадрларнинг қадрига етамиз. Ижод қилаяпсиз, ихтироларингиз ишлаб чиқаришда қўлланилаяпти. Мен бощдаёқ сизни шогирдликка олиб янглишмаганман.

— Раҳмат, устоз,— деди Эркин кўнгли эриб,— яхшиликларингизни унутмайман.

— Аммо инсон ўз билганини бировга ҳам ўргатиши керак. Майли, бу ҳақда кейин гаплашамиз. Сиз мириқиб дам олиб келинг.

— Дилдорахонни қулайроқ курсига ўтказинг,— Фарҳоднинг гапи унинг хаёлини бўлди.— Хизматда бизлар, иззатда қизлар...

— Бўпти, сояга ўтинг,— Эркин гапи беўхшовроқ чиқса-да мослашишга ҳаракат қилди. У буларнинг барисини дўстона гурунг ва ҳазилларга йўяр, дам олиш пайтлари бусиз бефайз ўтишини англарди. Анча ёқимли, очиқ қизлар экан. Бунинг нимаси ёмон?!

— Менда бир таклиф бор,— деди Фарҳод музқаймоқ олиб келиб стулга ўтирган пайтда — Оғзимизга нима келса шуни гапириб кулиб ётмайлик. Келинглар, ҳар ким навбати билан қизиқ ҳангомалар, шеърлар, қўшиқлар айтсин. Қулидан келганча.

— Бўпти.

— Кимдан бошлаймиз?

— Алфавит тартибида Гуля, яъни...

— Гуландом,— қизнинг ўзи давом эттирди.— Шуниси ёмонда, имтиҳонларгаям доим олдин кирардим. Домуллолар бошида жуда қаттиқ туришарди. Ҳай, майли, ҳозир Сизларга синов топширяпман, деб хаёл қиламанда, яхши кўрган қўшиғимни айтаман. Фарҳод ака, лиқопчани олинг.

— Уттан йили театралнийни битирган,— Дилдорахон Эркиннинг қулоғига шивирлади.

Фарҳод қулига лиқопчани олди. Қиз оҳиста бошлади. Овози ипакдай майин экан. Эркиннинг этлари жимирлади. Ҳа, унинг юзи очиқлиги, шаддодлигида жон бор экан-да. Санъаткорлар, айниқса, артистлар тортинмайди. Балки, келажакда ундан машҳур қўшиқчи чиқар.

Фарҳод унинг овозига мос лиқопчани ўйнатар, қиз берилиб, лекин паст овозда куйларди. Қўшиқ ёшлик, гўзаллик, гуллар, баҳор ҳақида эди. Аммо, тезда якунига етди. Енгилгина чапаклар, олқишлар янгради.

Навбат Дилдорахонга келди. У шеър айтишга кўнди. Шеър ҳам ёшлик, гўзаллик ва севги ҳақида:

Сокин кечалари кўзим ўнгида
Мўнис қарашларинг бўлди намоён...

Эркин ширин энтикди, қалбида ёқимли, хуш ҳислар туғёнланди. Нимадандир қониқишни туйди. Қизга меҳрли боқди.

Навбат ўзига етганда қизиқ-қизиқ ҳангомалардан сўзлади. Атрофни кулгу, қаҳқаҳа босди.

Кечки салқинда қизларни ўз гўшасига кузатиб, йигитлар шодмон қайтишди.

— Яхши қизлар. Қандай танишдингиз?— деди Эркин Фарҳодга,— омадингиз бор экан.

— Тўғрисини айтсам, ўзлари мени топишган,— деди Фарҳод тўшакка чўзиларкан.

— Қандай қилиб?— Эркин қизиқди,— наҳотки сизда шундай сеҳр бўлса?..

— Бор экан-да.

— Ҳа, айта қолинг, балки менда ям бордир.

— Айтайми?— Фарҳод. истеҳзоли кулимсиради.— Эшитинг, улар менинг банкда бошлиқ эканимни билиб атрофимдан кетмай қолишди. Бир шаҳарда яшаймиз. Фойдам тегади-да.

— Қуйсангизчи,— Эркин ишонмади,— сизни қувноқ, ҳазилкаш, яхши йигит деб ўйлашади.

— Бу атрофда ўша сиз айтган қувноқ, ҳазилкаш, яхши йигитлар тўлиб ётибди. Лекин, кўпининг чўнтаки қуруқ. Гуля билан Диля уларни бошига урадими? Уларга пулдор одамлар керак. Бойваччаларни излаб ҳар йили шундай роҳатижон жойларга келишади. Улар ҳисобидан уйнашади, кулишади. Яна нима керак. Кечирасиз, узингиз нима иш қиласиз?

— Бошқармада ихтирочи-муҳандис.

— Маош юқоридир?

— Олдинлари яхши тўлашмасди. Энди ёмон эмас. Узимизга етади.

— Диляни айлантиришга касбингиз ярамайди,— Фарҳод ўрнидан турib ўтирди.— Сураса бошқа ёглироқ жойнинг номини айтинг. Акс ҳолда қиз сиздан дарров совийди. Энди топганда ажралиб қолманг-да, ошна. Дам олиш татимайди.

— Мен дўстона муносабатда бўлмоқчиман. У ёқда оилам бор, ахир...

— Ўртада нафс отлиг бало бор экан, қиз билан йигит ҳеч қачон дўст бўлиб қололмайди. Шуни яхши билинг.

— Нафсни енгиш мумкин-ку?

— Шу ерда, дам олишда-я?!

— Бўлмасам-чи?

— Майли тортишмайлик. Ҳали бир-биримизни яхши билмаймиз-ку. Мен омади гапни айтдим, холос. Келинг шахмат уйнаймиз.

Фарҳоднинг бу гапи унга маъқул тушди. Ўйинни бошлашди. Аммо, Эркин хаёлидан унинг аччиқ, аслида ҳақиқат гапларини чиқаролмас, қизларнинг шу ерларда бузуқлик қилишларини ҳечам кўз ўнгига келтиролмасди. Қанча яхши ўйнашга тиришмасин, ҳамма нарсани ҳисоб-китоб билан ўлчашга одатланган Фарҳодни енголмади.

— Сиз бир айланиб келинг, мен озроқ ухлайман. Эрта кечқурун қизларни бир зиёфат қилмаймизми?— деди Фарҳод.

— Майли,— рози бўлди Эркин ва ташқарига йўналди. Хиёбонларни кезди, салқин ҳовузда чўмилди, иссиқ қумда ётди. «Ҳеч нарсани ўйламайман— деди ўзига ўзи,— менга нима, ким билан юрса юравермайдими? Бу дунёда ким қандай хоҳласа шундай яшайди. Шунга яраша гуноҳми, савоб орттиради».

— Бошлиқларинг ким?— деди Фарҳод кечки суҳбатда, балки танирман.

— Меҳрибон Қучаров деган киши. Фан номзоди. Маърифатли, пок одам. Устозим бўлади.

— Пок одам дейсизми?- Фарҳод хо-холаб шунақа кулдики, Эркин бир зум узини йўқотиб қўйди.— Пок одам эмиш. Жуда содда экансиз. Уччиг чиққан ... боз-ку! Деворда ҳақи бўлса... майдалаб сомонини олади. Биламиз қанақа пок одамлигини. Бу гапларни қўйинг, огайни. Музхонани очиб анаву зорманданы олинг. Қиттай-қиттай ичайлик...

Эртаси кун нонуштадан сўнг улар қизларни Қўрғон маркази-га олиб тушишди. Фарҳод Гуляга қимматбаҳо белбоғ совға қилганини қуриб, Эркин улганининг кунидан Диляга хушбуй атир олиб берди. Тушдан сўнг бозоручар қилишди... Кечқурун зиёфат қуюқ бўлди.

Қизлар ниҳоятда чиройли кийиниб келишди. Гўё одамзот наслидан эмас, осмондан тушган фаришталар. Эркин Дилдоранинг бунчалар очилиб кетганидан ҳайратда эди. Олдинига суҳбат қовушмади. Қизлар ичмаймиз, деб туриб олишди. Фарҳод бутун маҳоратини ишга солиб, уларнинг ичидаги «тош»ни эритди. Конъяк Дилдорага ёқиб қолди. Гуля оқидан ича қолди. Ўйин-кулгу, қўшиқ алламаҳалгача чўзилди. Эркин азалдан ичкиликка чидамсиз эди. Фарҳод буни билдими ёки йигитни синагиси келдими босиб-босиб қўйди. Эркин тўшакка Дилдора ёнига йиқилаётиб шу нарсани аниқ эслайди. Қиз унга манзилини ёзиб беришни сўраб дафтарчасини узатмоқда, у эса эгри-бўгри қилиб ёзишга ҳаракат қилди. Хонада икковидан бошқа ҳеч ким йўқ...

Ярим тунда ичи ёниб уйғонди. Ваннадаги жумракдан, муздек сувни симирди, ечиниб сувга тушди. Ҳуши узига келди, артиниб хонага чиқди. Қизиқ. Фарҳод қаёққа кетдийкин? Тўшаги бўш. Узи-чи? Нима қилиб қўйди? Эслолмайди. Шошма, стол устида дафтарчаси қолибди-ку. Қани, нималар ёзилган? Эркин қизиқсиниб варақлай бошлади. Вой-бўй: ҳамма жойида манзиллар, катта-катта шаҳарлар, катта-катта раҳбарлар, ишхоналар, телефон рақамлари. И-е, устози Меҳрибон Қучаровнинг исми-шарифлари ҳам ёзилган-ку. Наҳотки? Ҳа, мана кўча, уй рақами, телефонлар, ҳаммаси тўғри. Демак, Фарҳод тўғри айтган экан-да! Наҳотки, Меҳрибон ака... Эҳ...

Эркин дафтарчани ғазаб билан йирта бошлади. Варақларни майдалаб хонага сочди. Мана, манзилини ёзиб бериш, мана, мана...

Фарҳод эрта азонда қайтиб, Эркинни кўрмади. Нарсалари йўқ. Ҳатто шахмат тахтаси ҳам. Аммо карта столда сочилиб ётибди. У бош иргаб кулиб қўя қолди, холос.

Дўрмондаги Ижод боғида 1-4 ноябр кунлари бўлиб ўтадиган Республика ёш ёзувчиларининг семинар-кенгаши олдидан

Улуғбек АБДУВАҲОБ

МЕН БАҲОРНИ СЕВГАН ЭДИМ...



***

Сенинг йўлларингга тўсиқлар қўйдим,
Сен етиб келдинг.
Сендан-да сулувроқ қизларни суйдим,
Сен ўтиб келдинг.

Хаёлан номингга чапладим қора
Аммо юқмади.
Дедим: «Ўлдиради бу қизча, қара!»
Юрак уқмади.

Хаёлий ҳуснингни кўрмайин дея
Ҳушимдан кетдим.
Айт, ахир, нечун мен васлингга яна
Тушимда етдим?

Сен кимсан, мен учун қандайин кучсан?
Ўзинг айт, ахир!
Сен менинг жонимга ташнасан — учсан,
Нечун барибир?

Мен сени биламан — бағримни бир кун
Сувга ташлайсан.
Мен сени билмайман — ҳаётни нечун
Шундан бошлайсан?

Осмоним ҳилоли — ай эрка қизча,
Шошма тушмоққа,
Кел, дея оҳ уриб турган ҳар кимса
Пойни қучмоққа.

Энг азиз кўксимга чиқардим сени
Мен-да хурсандман....

Ниҳоят, қайларга бошлайсан мени?
Энди билмасман...

***

Мен шаробни ичиб қўйдим,
Ичиб қўйдим — тамом бўлди.
Қайғуни ҳам чекиб қўйдим,
Чекиб қўйдим — тамом бўлди.
Мен баҳорни севган эдим,
Югургандим — етиб олдим.
Сиру асрор тамом бўлди,
Тамом бўлди — кетиб қолдим.

Тамом қилдим мен барчасин
Фақат тамом бўлмас умрим.
Фақат умрим бўлмас тамом
Мени тамом-қилмоқ учун...

***

Ҳасратинг бўлса-ю, топ-тоза бўлса,
Кулган кулгуларинг тинса ўзида.
Юрагингга тўлса — юрагинг тўлса...

Ёзаман деганда, ёзсанг ўшани,
Севсангу пойга йиқилсанг зора...
Қалбида тополсанг мангу гўшани.

Кулоғингга айтса энгашиб у сир,
Сўзлар йўқ бўлса-ю, тўйсанг мукаммал.
Чинқириб камалак қўзғолса оғир...

Ҳаёт ҳам ҳаётдек бўлса — бетакрор!
Ўлмасанг, ўлмасанг, ўлсанг мабода
Ўлим вафо қилса, бермаса озор...

Орзумурод ҒАЙБУЛЛАЕВ

ОЛУЧА ТАГИДА СЕВГИЛИМ

***

Кўнгилдан тўкилар туйғулар,
Аламлар, оғриқлар, ёҳулар.
Сатрлар тизилар. Олисдан
Муҳаббат: «Бери кел», — деб имлар.

Шовуллар кўкламнинг жаласи,
Ювинар ўлкамнинг даласи.
Қулоғим остида, ёмғирда
Ивиган елкамнинг ноласи.

Йўл қараб жовдирар кўзларим,
Жиққа ҳўл сочларим, юзларим.
Лабларим қийналиб пичирлар,
Чиқмайди ичимдан сўзларим.

Осмонда кўринар камалак,
Қаноти турфа ранг капалак.
Айланиб-айланиб рақс тушар,
Самода жилвакор бир палак.

Қозонда биқирлар сумалак,
Момолар овора жонҳалак.
Олуча тагига беркинган
Севгилим — сочлари жамалак.

Кўзларим кўзингга тушганда
Гўзалим табассум ҳадя қил.
Севгимиз баҳордек мусаффо,
Навбаҳор топишдик икки дил.

***

Мажнунтолнинг сочлари ёйиқ,
Танасида минг дард яшайди.
Мажнунтолнинг сочлари сариқ,
Ақлдан озганга ўхшайди.

Жимир-жимир оқади анҳор,
Оқиб кеттан не-не армонлар.
Мажнунтолнинг ишқ дафтарига
Битилгандир ажиб достонлар.

Мажнунтолни шерик деб ўтди
Неча ошиқ — неча мустар жон.
Мажнунтолни буткул унутди
Мақсадига эришгани он.

Мажнунтолнинг бағри жуда кенг,
Кек сақламас уришганларга.
Унинг учун ҳамма бирдай тенг,
Ҳамма ўхшар севишганларга.

Йўловчи сен заҳматларингни
Унутгинда — бир оз тинним ол.
Неча ошиқ ҳасратларини
Сўйлаб берар сенга мажнунтол.

Мажнунтолнинг тиллари узун...

ЗОҲИДЖОН ОБИДОВ

Ўзбек адабиёти оғир жудоликка учради. Таниқли шоир ва таржимон, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Зоҳиджон Обидов 72 ёшида вафот этди.

Зоҳиджон Обидов 1923 йилда Тошкентда туғилди. Ўрта мактабни битиргач, фронтга отланиб, Ленинград шаҳри учун бўлган жангларда қатнашди. Урушдан кейин Тошкент давлат дорилфунунини битириб, Наманган давлат педагогика институтида дарс берди, айни чоқда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Наманган вилоят бўлимини бошқарди. Кейинчалик Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида адабий маслаҳатчи, Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат ҳамда «Ёш гвардия» нашриётларида муҳаррир, «Муштум» журналида адабий ходим бўлиб ишлади.

Зоҳиджон Обидов «Янги ойнинг уроғи», «Совға», «Қулингни бер», «Зебо» ва бошқа шеърий тўпламлар, ундан ортиқ достон, кўпгина ҳажвий асарлар муаллифи эди. У қўшиқчи шоир сифатида мухлислар орасида айниқса кенг шуҳрат қозонди.

Зоҳиджон Обидов М. Лермонтов, Т. Шевченко, Р. Ҳамзатов, М. Бажан, С. Михалков, Ш. Петефи каби машҳур шоирларнинг бир қанча асарларини узбек тилига таржима қилди.

Зоҳиджон Обидов учинчи даражали шуҳрат ордени, жанговор нишонлар, «Меҳнат фахрийси» нишони, «Узбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони билан тақдирланган эди.

Моҳир шоир ва таржимон, ажойиб инсон Зоҳиджон Обидовнинг хотираси халқимиз қалбида абадий яшайди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Урush ва меҳнат фахрийлари кенгаши уюшмаси

«Ёшлик» журнали 1996 йилда

ЁШЛИК СУРУРИ БАРАВЖ

Мухбиримизнинг «Ёшлик» журнали бош муҳаррири Собир ЎНАР билан суҳбати

МУХБИР: — Айтинг-чи, ҳозирги шарт-шароитда журналнинг иқтисодий аҳволи қандай? Иқтисодни яхшилаш борасида қандай омиллардан фойдаланяпсизлар?

С. ЎНАР: — Хабарингиз бўлса керак, «Ёшлик» 1993 йилнинг бошидан хўжалик ҳисобига ўтказилган. Бу рўзғор жиловини қўлга олиб, ишни ўзинг юритасан, деган гап. Айтиш жоизки, уч йил мобайнида маълум миқдорда ажратилган ҳукумат ёрдами бир қадар белимизга қувват бўлди. Аммо асосий даромад обуна пули ва сотувдан тушадиган маблағ. Тўғри, баъзан реклама чиқаришга қизиқувчилар учраб турибди, бироқ уларнинг икки-уч ой, яъни журнал чиққунга қадар кутишга кўпам тоқатлари етавермайди, шу боис эълон берувчилардан умид оз. Бултур йил охирида қоғоз нархи ошиб, бироз иқтисодий қийинчиликни бошдан кечирдик. Шукрки, ҳозиргача ҳеч бир ташқи ёрдамсиз журналнинг тўлиқ сонларини обуначига етказиб бераяпмиз. Имкониятларимиздан келиб чиқиб, журнал ҳажмини аввалги йилга нисбатан икки босма тобоқ миқдорда оширишга эришдик. Ҳажми кўтара оладиган румонларни босишга қурбимиз етади. Ўзингиз бунга гувоҳсиз. Насиб бўлса, янги йилдан журнал ҳажмини тагин бир оз «семиртиришга» ҳаракат қиламиз. Муҳими, жорий йилда обуначиларимиз олдида юзимиз ёруғ бўлади. Ўйлайманки, кейинги йилларда ҳам шунга эришамиз.

МУХБИР: — Журнал, омад чопиб, бурунги ҳажмида чиқа бошласа, уни мазмунли, ўқиладиган қилиб чиқариш учун яхши асарлар бор, етарли, деб ўйлайсизми?

С. ЎНАР: — Аввало, журнални вақтида чиқариш муаммосини ҳал қилиш лозим. Икки ойда бир марта чиқадиган журнални ўқувчи, жиллақурса, кутган вақтида олиб турса, унинг чиқаётганига, чиқажагига ишонса кўнгли совимайди. Яна обуна бўлади, сотиб олади. Журналга асар берган муаллиф эса ўқувчидан ҳам кўпроқ кутишга мажбур бўлиб қолмайди. Нашрнинг ўз вақтида чиқиш-чиқмаслиги эса аксарият ҳолларда босмахонага боғлиқ бўлиб қолаётир.

Эҳтимол, шундандир кўпгина илғариги садоқатли муаллифларни жалб этиш ҳозир қийинроқ. Уларга: «Мана шу пайтда асарингиз чиқади, мана бу вақтда қалам ҳақи оласиз, хурсанд бўласиз», десак ва ваъдамизнинг устидан чиқолсак марра бизники, аксинча...

Лекин шунга қарамасдан, ижод тўхтагани йўқ, қисса ва румонларнинг ҳам кети узилмаётир. Ишонч билан айта оламанки, зўр ўқиладиган асарлар ҳозир ҳам бор, яъни журнални ўз вақтида, илгариги ҳажмда чиқара олсак, фақат бизгина эмас, бутун адабий жамоатчилик ҳам ютади.

МУХБИР: — 1996 йил «Ёшлик» учун қанақа келади, деб тахмин қилаяпсиз? Режалар билан таништирсангиз.

С. ЎНАР: — Иқтисодий томондан мустақил бўлганингдан кейин журналнинг ҳамёнидаги ақчани кунига икки марта санаб қуришга урганиб қоларкансан, киши. Баъзан адабий жараёнга мутлақо бегона ишлар билан банд бўлиб ўтирганингни кўрган киши бу одамнинг чекига завҳузлик, бўғалтирлик ҳам тушипти-да, деб ўйлаши тайин. Ҳисоб-китобни ҳар куни тўғри олиб бормасанг, эртага журнал иши бутунлай издан чиқиб кетиши мумкинлигини ҳис қилиб турганингдан сўнг бошқа илож ҳам йўқ. Бунинг устига ботбот босмахона харажатлари, қоғоз нархи кутарилиб турса, кечаги тузган режанг бугунга тўғри келмаса...

Мен бу гапларни ёзғириб айтаётганим йўқ, албатта. Олма пиш, оғзимга туш, дейдиган замонлар ўтганини, энди ҳар биримиз ҳар соҳада барча қийинчиликларга тайёр туришимиз маъносида уқтираяпман. Такрор эслатишим мумкинки, бу йилги аҳволимиз бултургидан яхши ва келаси йили бундан ҳам яхши бўлишига кўзим етиб турибди.

Бирор зур асар уқиганингда, ёзаётганингда бу ташвишлар хаёлдан тумандай тарқаб кетади. Яхши асар сен ишлаётган журналда чоп этилаётганидан мудом хурсанд бўласан.

Айниқса, икки йил бурун Тоғай Муроднинг «Отамдан қолган далалар» румони «Ёшлик»да босилгани, сўнгра унга Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотининг берилиши бизни ҳам беҳад суюнтирган эди. Насиб бўлса, Тоғай Муроднинг янги румонини ҳам янги йил сонларидан бирида бериш умидимиз. Атоқли ёзувчи Одил Ёқубов узининг улуг Темур ҳақидаги янги «Фотиҳи музаффар ёхуд бир париваш асири», номли драмасини ёзиб тугатди ва бизга тақдим этди. Гумон йўқки, ушбу асарлар мухлислар учун яхши воқеа бўлади. Узбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаевнинг бугунги замон руҳидаги янги қиссаси ҳам «Ёшлик» уқувчилари томонидан қизиқиш билан кутиб олинишга аминмиз. Омон Мухторнинг, Ғаффор Ҳотамовнинг эндигина тугаллаган румонларию қатор ёш адибларнинг турли мавзудаги ўнлаб ҳикоялари, жаҳон адабиётининг дурдоналаридан ҳисобланмиш Жеймс Жойснинг «Мусаввирнинг ёшликдаги шамойили» румони ва бошқа бир қанча таржима асарлар ҳам тўқсон олтинчи йил режамизга киритилган.

Истеъдодли ёш ёзувчи Шодиқул Ҳамронинг янги услубдаги «Қора кун», Абдуқаюм Йўлдошнинг «Катта ўйин» қиссалари ҳам уқувчиларимизни мамнун қилади, деб ўйлайман.

Узбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг «Амир Темур қиссаси» шеърий драммаси, Эркин Воҳидов, Жамол Камол, Рауф Парфи ҳамда бир қатор ёш шоирларнинг туркум шеърлари ҳам келгуси йилда муштарийларга бизнинг муносиб совғамиз бўлади.

Бундан ташқари тарих, дин, маориф, фан ва маданиятга оид талайгина рисолалар ҳам борки, уларнинг энг сараларини сонма-сон бериб боришни кўзда тутганмиз.

Хуллас, режалар катта, кейинги йил журнал учун ҳам, мухлислар учун ҳам яхши бўлади. Обуначилар, уқувчиларга айтар сўзимиз шу: ҳеч иккиланмасдан обуна бўлаверсинлар! Обуна баҳоси эса чўнтак кўтарадиган миқдорда: бир йилга 228 сўм.

«ЁШЛИК» ЖУРНАЛИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!
ЖУРНАЛНИНГ ОБУНА БАҲОСИ ҚУЙИДАГИЧА БЕЛГИЛАНГАН:
БИР ЙИЛГА — 228 СЎМ, ОЛТИ ОЙГА —114 сўм.
НАШР ИНДЕКСИ — 75241

ШОИР ВА ДРАМАТУРГНИ ХОТИРЛАБ

23 октябр куни Узбекистон Фанлар академияси Адабиёт институти ва Узбекистон Ёзувчилар уюшмасининг атоқли шоир ва драматург Собир Абдулла таваллудининг 90 йиллигига бағишланган илмий анжумани бўлиб ўтди. Йиғилишни Адабиёт институти директори, филология фанлари доктори, профессор Тура Мирзаев кириш сўзи билан очди.

Илмий анжуманга йиғилганлар олимлардан Абдуқодир Ҳайитметовнинг «Узбек мумтоз адабиёти ва Собир Абдулла ижоди», Лазиз Қаюмовнинг «Собир Абдулланинг насрий ижоди», Ғаффор Муминовнинг «Собир Абдулла ва халқ оғзаки ижоди» ва Малоҳат Абдураҳмонованинг «Собир Абдулла драматургияси» мавзуларидаги маърузаларини тингладилар.

Адиблар Иззат Султон, Ҳамид Ғулом ва бошқа шоир, ёзувчи ҳамда адабиётшуносларнинг чиқишлари, уларнинг Собир Абдулла ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ хотиралари, фикр-мулоҳазалари анжуман иштирокчиларида яхши таассурот қолдирди. Сўзга чиқ-қанлар узбек драматургиясининг тараққиётида Собир Абдулла хизмати катта бўлганини таъкидлашиб, республикамиз театрларидан бирига унинг номини беришни, шоир ҳақида хотиралар китобини тўплаб, нашр этишни таклиф қилишди.

***

Муқимий номидаги мусиқали драма театрида ҳам Собир Абдулла юбилейига бағишланган танланали кеча ўтказилди. Маданият ишлари вазири Эркин Ҳайитбоев кечани очаётиб, узбек маданиятида, санъатида Собир Абдулланинг тутган ўрни тўғрисида гапирди. Узбекистон халқ шоирлари Эркин Воҳидов, Жамол Камол, шоир Ҳабибулло Саид Ғани Собир Абдулла ҳақидаги дил сўзларини изҳор этишди, унга бағишланган шеърларини ўқишди, Узбекистон халқ ҳофизи Фаттоҳхон Мамадалиев қадрдон дўстликнинг ибратли хотираларини ҳикоя қилди.

Узбекистон халқ ҳофизлари Маҳмуджон Ғафуров, Улмас Саиджонов шоирнинг шеърларига басталанган қўшиқларини ижро этишди.

Муқимий номидаги мусиқали драма театри санъаткорлари саҳнада Собир Абдулланинг драматик асарларидан парчалар намойиш қилди, дуторчи қизлар, Юнус Ражабий номидаги мақомчилар ансамбллари ҳамда қўқонлик санъаткорлар тантанали кечага файз шукуҳ бахш этишди.

ОНА ТИЛИМ — ТАҚДИРИМ

Узбекистон Ёзувчилар уюшмасида Узбек тили байрамига бағишланган мушоира бўлиб ўтди. Уни назм кенгашининг раиси Жуманиёз Жабборов олиб борди.

— Дадам Ғафур Ғуломнинг тилимизга улкан муҳаббати бор эди, — деди шоирнинг қизи Олмос. — У киши барча съезд ва қурултойларда ҳам доим узбек тилида сўзлаб, узбекча шеърлар ўқир эдилар.

Кавсар Турдиева шеърини узбек тили «Она тилим» байрами куни ёзган шеърини ўқиди. Судтон Акбарий, Жуманиёз Жабборов, Гулчеҳра Жураева, Турсун Муҳаммадларнинг ғазалларидан таралган кўтаринки руҳга йўлдош эшбек, Вафо Файзулла, Барот Ярашев, Замира Эгамбердиева, Санобар Фахриддинова, Меҳринисо Ойдинова, Муҳтарама Туркой, Салима Қиличева, Ойгул ва бошқалар ўқиган шеърлар эш бўлди.

Кеча иштирокчилари давлат тили ҳақидаги қонуннинг амалиётга тадбиқ этилиши айрим жабҳаларда суст кечаётганлиги, атамаларни қўллашда ҳанузгача хилма-хиллик ҳукм сураётганлиги, ижодкорлар узбек тилининг бой имкониятлари, товланишлари, сўзларнинг маъно жиҳатидан олмос қирраларини, қисқаси, тилимизнинг бойлиги, қудратини намойиш этишга бурчли эканликларини таъкидлашди.

***

Узбек тилига давлат мақоми берилганлигининг 6 йиллигига бағишланган бундай тадбирлар республикамиздаги кўплаб ташкилот ва муассасаларда ҳам бўлиб ўтди. Жумладан, Тошкент болалар шиббиёти олийгоҳида утган йиғилишда профессор-ўқитувчилардан С. Азизова, Э. Турсунов, доцент Б. Норбосв ва бошқалар институтда давлат тилини жорий этишнинг аҳволи тўғрисида сўзладилар. Шоир Миразиз Аъзам, халқаро Аҳмад Яссавий мукофотининг лауреати, хонанда Бахтиёр Ҳолҳўжаев ва «Ёшлик» ойномасининг мусаввири Аслиддин Қалоновларнинг чиқишлари кечага файз бағишлади.

ЎзАС ХАБОРОТИ

«Ҳамар» Халқаро алоқалар маркази жамоаси ва Узбекистон Рассомлар уюшмаси уюшма аъзоси, Халқаро алоқалар марказининг бош директори **Феруза РАҲМАТУЛЛАЕВА**нинг фожеали вафоти муносабати билан марҳуманинг оила-аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Узбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси шоир Баҳром Ғойибга отаси **Муҳаммаджон ҒАЙБИШ** ўғли вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Таниқли кулги устаси Эргаш Каримов 60 ёшга тўлди

ЎЗБЕКНИНГ РАЙКИНИ

«УКАСИГА ЗАМБАРАКНИНГ ЎҚИ!»

1962 йилларда Узбекистон телевидениесининг «Ёшлик» таҳририятида «Истиқбол эгалари» деган телевизион журнал бўларди.

Курсатувнинг навбатдаги сонларидан бирини бадиий кенгашда муҳокама қилаётганимизда унинг режиссёри Эргаш Каримов шундай деб қолди:

— Тележурналда берилаётган кичик ҳажвларни ёлгиз диктор ўқиб бераётир. Бунда кулгили воқеалар, образлар, характерлар яхши очилмаяпти. Буларни инсценировка қилиб, актёрлар ижросида берсак, яхши бўларди.

Бу таклиф ҳаммага маъқул тушиб, Эргаш Каримовнинг ўзи унга бош-қош бўлди. Курсатувнинг бу саҳифаси тез орада томошабинлар эътиборини тортди. Кейинчалик тележурналнинг турли хил мавзулари орасида сиқилиб қолган ушбу саҳифа ўзининг тор қобигини ёриб чиқиб, мустақил курсатувга айланди. Анча изланишлардан сўнг унга ўзига хос ном ҳам топилди. Худди шу тариқа 1962 йилда Узбекистон телевидениесида янги курсатув — «Телевизион миниатюралар театри» пайдо бўлди.

Эргаш Каримов институтни тугатиб, Муқимий номидаги республика мусиқали театрига актёр бўлиб ишга ўтди. «Оқ нилуфар» спектаклида бир-бирига зид, сира ухшамаган учта кичик ролни ижро этди. Бунда Эргаш озгин жаллодни, Ҳасан Йўлдошев эса семиз жаллодни ўйнади. Ким билади дейсиз, балки Эргаш Каримовдаги истеъдод, кичкина, кулгили ролларни ўйнаш қобилияти, уша йиллари намоён бўлгандир. Ундаги бу иқтидорни, жиддий интилишни устози Раззоқ Ҳамроев уша ижролар жараёнидаёқ сезган ва уни актёр сифатида кашф этган эди.

«Телевизион миниатюралар театри» ўз репертуарини, мавзуларини кундалик ҳаётдан, турмушдан олди. Шунинг учун ҳам у халқнинг дилига яқин эди. Бу мавзуларни халқнинг ўзи айтиб турди. Миниатюра театри турмушимизда учрайдиган салбий нуқсонлар, иллатлар, фисқу фужурлар, порахўрлик, ичкиликбозлик, хотинбозлик, чайқовчилик, безорилик, қаллоблик, кўзбўямачилик, мунофиқлик, ҳасадгўйлик каби салбий ҳолатларга қарши сатирик ўт очди.

Бундай қарасак, ҳар бир телениниатюранинг яратилиш тарихи бор. Узбекистон телевидениесининг кекса ходимларидан бири Узбекистонда хизмат курсатган санъат арбоби Бобо Ҳўжаев бир кун Эргаш Каримовни энг яқин дўстиникига олиб боради. Йул-йулакай унинг қули очиқлиги, меҳмондустлиги, яхши дастурхони ҳақида гапириб, ичкиликни ҳам роса тўкиб ташлайди, деб мақтанади. Афсуски, дўсти спиртлик ичимлик ичишни аллақачон ташлаб юборгани учун ундан бошқа барча ноз-неъматни дастурхонга тортади. Худди шу воқеани Эргаш Каримов Алп Жамолга айтиб беради. Эртаси куниёқ тонгда Алп Жамол Эргашнинг уйига келиб, воқеани миниатюра шаклида қогозга туширадилар. Шу тарзда машҳур «Мураббо» миниатюраси яратилади.

Эргаш Каримов яратган образларнинг ҳаётда ўз прототиплари бор. Буларнинг бири бюрократ, бири лаганбардор, бир порахўр, бири маиший бузуқ, бири қаллоб, бири «юмалоқ хат» ёзувчи ҳасадгўй, ёвуз ниятли игвогар, тухматчи...

Бир кун шундай ҳодиса рўй берди; бир миниатюрада Ражаб деган хотинбоз ҳақида ҳикоя қилинди. Қизиғи шундаки, қайси бир хотинини қўйса, уша хотин яхши ишларга ўтиб, мартабаси тобора ошаверади. Ражаббойнинг ўзи эса борган сари мартабаси пасайиб охири хор бўлади. Шу миниатюра берилгандан сўнг бир нотаниш одам таҳририятга келиб:

— Кечаги телениниатюрадаги Ражаббой менман. Мени халққа шарманда қилиб кўрсатишга нима ҳаққингиз бор? — деб ўдағайлади.

Таҳририятдагилар:

— Бу сиз эмас, бошқа одам, бу ҳужжатли фелетон эмас, бадиий асар, бадиий тўқима, образ, — деб қанчалик тушунтиришмасин, барибир у:

— Йўқ уша менман, юриш-туриши ҳам худди ўзим, қилиқлари ҳам. Хотин-олиб хотин қўйганим рост, лекин мен ҳар бири билан «законний» ажрашганман, — деб жанжал кўтарди. Бу миниатюрада ҳам асосий ролни Эргаш жуда катта моҳирлик билан ижро этди. Бу бўлиб ўтган воқеалар — Эргаш Каримов яратган образлар нақадар ҳаётий эканидан, актёр маҳорати туфайли сатира тиғи тўппа-тўғри нишонга бориб тегаётганидан далолат берарди.

«Телевизион миниатюралар театри» кўрсатувларини тайёрлашда ажойиб муаллифлар гуруҳи пайдо бўлди. Уларни ана шу дастурнинг тамал тошини қўйган ижодкорлар деса бўлади. Узбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад, Узбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Элбек Мусаев, таниқли режиссёрлар Мели Маҳкамов, Мираббос Мирзааҳмедов, ёзувчилар Эргаш Раимов, Алп Жамол, Аббос Муҳиддин ва бошқалар шулар жумласидандир.

«Телевизион миниатюралар театри» эндигина оёққа турib, «Занғори экран»да кўрина бошлаган йиллари унинг дастури асосан Узбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмаднинг кичик ҳикояларидан, миниатюралари асосида қурилган. Бу ҳақда Эргаш шундай ҳикоя қилади:

— Таҳририят мени Саид Аҳмад аканикига миниатюралар ёздириб келиш учун юборарди. Асосий иш қолиб кетиб, у киши менга турли хил латифалар айтиб бериб утирарди. Мен буларнинг баъзи бирларига кулардим. Ана шунақа ҳангома қилиб утирганимизда кутилмаганда бирдан ёзув машинкаси енига утириб ёза бошларди. Кейин билсам, уша латифалар Эргашга таъсир қиладими, кулдирадими, йўқми деб синаб кўрар эканлар. Хуллас, Саид Аҳмад ака мени синовчи ичувчи эмас, синовчи кулувчи урнида ишлатар эканлар. У киши машинкадан чиққан саҳифани сугуриб олиб, менга узатардилар. Мен бетма-бет ўқиб борардим. Худди шу жараёнда уша персонажлар, образлар кўз олдимга келарди. Мен беихтиёр қаҳрамон қиёфасига кириб, характерлар, деталлар қидирардим. Шу ондаёқ Саид Аҳмад акага ўз мулоҳаза, мушоҳадаларимни айтиб берардим. Биз биргаликда таҳрир қилиб борардик. Хуллас, муаллиф билан актёр ижодий ҳамкорлиги ана шундай бошланди. Бу ҳамкорлик ҳалигача давом этаётир. Саид Аҳмад ака «Телевизион миниатюралар театри» драматургиясини яратган менинг биринчи муаллифим, устозимдир.

Бу ҳамкорлик ҳақида Саид Аҳмад шундай дейди:

— Мен миниатюрада иштирок этадиган актёрларни жуда яхши урганганман. Ҳасанни ҳам, Садрни ҳам, Эргашни ҳам. Уларнинг қандай юришини, гапиришини, қўлларини қандай қимирлатишларини билардим. Шунинг учун ҳам мен миниатюра ёзаётганимда персонажларни тўғридан-тўғри Ҳасан, Эргаш, Роза деб, ёзиб қўяверардим.

Эрталаб уйга Эргаш кириб келарди. Ҳали йўқ нарсани шу бугун ёзиб бермасангиз булмайди деб туриб оларди. Начора? Шу зайлда телениниатюра пайдо бўлиб, томошабинларнинг севимли кўрсатувига айланган...

Саид Аҳмаднинг «Олиқ-солиқ» миниатюрасига Сойиб Ҳужаев, Ғани Аъзамов, Бахтиёр Ихтиёров, Омина Фаёзова сингари санъатимизнинг етук, комик актёрлари ансамбли тўпланган. Уларнинг ҳар бири ўзи бир дунё. Улар ўртасида қандайдир ижодий тортишув кетаётгандек бир-биридан ўтказиб ўйнашга интиладилар. Характерлар тўқнашуви воқеа динамикасини тобора кучайтириб боради. Томошабинни бир нафас ҳам лоқайд қолдирмайди, ўзига тортиб, ушлаб туради. Ана шундай драматик жараёнда Эргаш Каримов деярлик сўзсиз ўйнайди. Сўзсиз ижро эса актёрдан жуда катта маҳорат талаб қилади. Томошабин «Олиқ-солиқ» жараёнида одоб юзасидан ҳамма нарсаларни ичига ютиб турса-да бироқ унда ички кечинмалар бўрони пайдо бўлаётганини сезиб туради. Эргаш бу ҳолатни машҳур кули дарғалари қатори юксак маҳорат билан талқин этади. Қалин можаросидан юраги ёрилгудек бўлади. Эсидан оғиб, жинни бўлиб қолади. Миниатюрадаги зиддият худди шу ерда портлайди. Бу актёр истеъдодининг ёркин ифодасидир:

— Велосипед, фотоаппарат, паровоз, самолёт, трактор? Экскаватор керакмасми? Самосвалчи? Балки асфалт текислайдиган машина ҳам керакдир. Акасига самолёт, синглисига атир фабрикаси, улган бувисига янги кафан, дадасига ароқ заводи, опасига конфет фабрикаси, усал опасига аптека, укасига замбаракнинг ўқи, гумбур, пақ-пуқ... Вой-дод!

«Ошхонанинг мушуги» номли миниатюра ёдингизда бўлса керак. Унда ошхона мудирининг хотини эрини рашк қилиб:

— Бугун кечаси уйқунгизда алаҳсираб Жанетта, Жанетта, деб чақирдингиз, ким у Жанетта? — дейди.

— Жанетта дедингми? Жанетта бу ошхонанинг мушуги. Биласан ошхонада сичқон кўп бўлади. Яқинда бир чиройли мушук олдик. Оти Жанетта, қўрғур менга шундай урганибдики, ёнимдан жилмайди. Шунга ҳам рашк қилдингми. Оббо сен-эй, хотин-эй.

Миниатюранинг охирида кимдир ошхонадан телефон қилиб мудирни сурайди. Хотини бу Жанетта эканини билиб, телефон трубкасини эрига узатади.

— Ошхонанинг мушуги сизни сураяпти, — дейди.

Шу билан миниатюра тугарди. Бу хотима Эргаш Каримовни қаноатлантирмади. Бунда нимадир етишмасди. Унга сўнгги нуқта қўйиш керак эди. Кулги кўзгатадиган қандайдир ҳолат, сўз топиш керак эди. Эргаш уни топди. Бирғина сўз билан ечди. Телефон трубкасини хотини қўлидан олиб:

— Э бор-э, пишт, — дейди.

Эргаш бу саҳнада ортиқча ҳаракатлар, бачкана қилиқлар қилмайди. Узини минг алпозга солмайди, афт-башарасини буриштириб кўзларини олайтирмайди. Оҳиста, хотиржам, оддийгина ўйнайди. Телефонни қулоғига тутиб, кичкинагина пауза қилиб: «Пишт!» дейди. Ана шу паузада унинг бутун актёрлик маҳорати намоён бўлади. Ана шу паузани томошабиннинг гулдурос қарсаги тўлдиради.

Бундай қараганда Эргаш Каримов ҳаётда жуда ҳам қизиқчи эмас, жуда жиддий одам. Баъзан у кишининг кузларида мунг кўраман. Лекин ўйчан, сатирик, комик образларда кишини беихтиёр кулдириб юборадиган ноёб ҳислат бор. У киши овоз билан, қанақадир қилиқ ёки қанақадир оҳанглар билан, ёки баъзи бировларда учрайдиган шева билан кулдиришга ҳаракат қилмайди. Ҳаётда қандай бўлса шундай ижро этади.

Яна бир нарса диққатимизни тортадики, Эргаш Каримов фақат ўзбек томошабинларини эмас, балки бутун Марказий Осиёни мафтун қилган санъаткор. Мен у киши билан Чимкентда, Қирғизистонда, мана бу ёги Ҳужандда бўлганман. Энг чекка-чекка қишлоқларга ҳам шундай кириб борса, тамом, бутун кулгисеварлар у кишига эргашади. Ҳатто бозорларда эргашиб юришади. Мен, баъзан Эргаш ака отингизни бекорга Эргаш қўйишмаган экан. Сиз эргашмасангиз ҳам одамлар сизга эргашади, деб ҳазиллашаман.

Эргаш ака бахтли инсон. Телевидениедаги жуда кўп образларни садоқатли рафиқаси Розахон билан ижро этган.

Одамларни кулдирадиганлар кўп, лекин Эргаш Каримовдек одамлар эсда қоладиган қиёфаларни яратадиган истеъдодли актёрлар кам.

Ўзбекистон халқ артисти Ҳусан ШАРИПОВ:

— Миниатюрада кичкина бир воқеани талқин қилар эканмиз, унинг мазмида қандайдир бир қарама-қаршилик, тўқнашувни очиб бериши керак. Бунинг учун актёрда гапирмай турганда, гапираётгандаги ҳолат, қайси сўзга урғу беришни билиш, ҳар бир жумлани нишонга бориб тегадиган даражада талаффуз этиш услуби булиши зарур. Ана шу фазилатлар Эргаш акамда мужассамдир. Эргаш акам бу услубни нафақат ўзига, ёнида ўйнайдиган актёрга ҳам, режиссёрга ҳам сингдиришга ҳаракат қилади.

Саҳна — ижодий баҳс майдони. Шунинг учун забардаст санъаткор узидан кучли санъаткор билан саҳнага чиқишни истайди. Бир вақтлар Эргаш акам, Ҳасан Йўлдошев билан ана шундай ижодий тортишувга ташланардилар. Бу тортишув қанчалик кучайса томошабин шунчалик завқ билан баҳра олади. Мен ҳам Эргаш акам билан ана шу кулги майдонига тушганимда шуни орзу қиламан. У кишига таассуф қиламан, интиламан, у кишидан ўргангим келади. Эргаш акада кибр-ҳаво йўқ. У кишининг дўсти кўп, томошабини кўп. Ҳамиша шундай бўлиб қолишини истайман.

Драматург, ёзувчи Фарҳод МУСАЖОНОВ:

— Ҳажв аввало, миқдор билан эмас, сифат билан улчанади, шунинг учун ҳам, Эргаш ака кичкина нарсаларни ижро этса ҳам мен у кишини катта санъаткор деб ҳисоблайман. У кишининг учта хусусияти менга ёқади, мени ром қилади:

Биринчи хусусият — меъёрни билади. Мен ҳали ҳеч қачон Эргаш ака меъёрини йўқотиб бачаналик қилгани ёки бехаёлик қилгани, ёки қўполлик қилганини билмайман. Бу унинг ниҳоятда одоблилиги, маданиятлилиги, уқимишлилигидан далолат беради.

Иккинчи хусусияти — ўзига, ўз касбига масъулият билан қарайди. Бўлар-бўлмас нарсаларни ижро этиб кетавермайди. Ҳозирги баъзи бир ҳажвчи комикларимизга ўхшаб ўзича пала-партиш нарсаларни туқийвермайди. Эргаш ака асосан ёзувчиларга суянади. Албатта моҳир комик актёр сифатида унда ижодий фантазия, импровизация, экспромт жуда кучли. Мен баъзан ўзим ёзган асарларимни унинг ижросида куриб ўзим ҳам танимай қоламан. Бу катта қобилият белгиси.

Учинчи хусусият — менинг назаримда, қайси асарларни қаерда ижро этишни билади. Унинг ўз томошабини бор. Мана кўпчилик қизиқчилар туйга юришади. Мен санъаткорларни туйга юришини қораламоқчи эмасман. Лекин бутун ижодини фақат туй билан боғлаб қўйиш ҳам тўғри эмас. Шу жиҳатдан олиб қарасак, Эргаш Каримов биринчи навбатда доимо халқ орасида бўлиб, давлат муассасаларида, радиода, телевидениеда, концерт залларида ўз дастурини ижро этади.

МИНГ БИР ҚИЁФА

Бир вақтлар Узбекистон телевидениеси Қорақалпоғистонга ижодий сафар билан бориб 3—4 соатдан иборат ранг-баранг дастурлар кўрсатарди. Қорақалпоқ телевидениеси ходимлари билан ўз тажрибаларини уртоқлашишарди. Эргаш Каримов, Ҳасан Йўлдошев, Садр Зиёвутдинов, Роза Каримовалар ўзбек тилида, қорақалпоқ телевидениеси миниатюра театри актёрлари эса қорақалпоқ тилида бир спектаклни ёнма-ён ижро этишарди. Ана шундай кечалардан бирида Эргаш Каримов қорақалпоқнинг ажойиб ҳажвчиси Муродбой Низоновнинг «Жигар бағрим порапора» деган миниатюрасини ижро этди.

Эртаси куни биз кулгисеварлар билан учрашиш учун Қорақалпоғистон бўйлаб сафарга чиқдик. Қайси бир корхона, қайси бир жамоат хужалиги, қайси бир яйлов ёки овулга бормайлик, ҳамма ерда одамлар, болалар: «Жигар бағрим порапора» деб Эргаш Каримовнинг кетидан эргашиб юрганини кўрганмиз. Яқинда Муродбойни «Табассум» таҳририятида учратиб қолдим. У шундай тилак билдирди:

— Эргаш ака менинг бир асаримда ёши анчага бориб қолган нуроний бир ота ролини, иккинчи асаримда эса уйланмаган навқирон йигит ролини ўйнаган. Мен Эргаш акага уша отанинг улуғлигини, уйланмаган йигитнинг шўхлигини тилайман, кулдиришдан чарчамасин!...

Узбекистон халқ артисти Эргаш Каримовни катта ифтихор туйғуси билан узбекнинг Райкини дейишади. Бу албатта яхши маънода. У миллий комик актёрлик санъатимиз анъаналаридан бахраманд булган ҳолда ўзига хос санъат ва ижро мактаби ярата олди.

Эргаш Каримовнинг ўз касбига нечоғлик масъулият билан қараши, нечоғлик севиши уни халқ муҳаббатига, олқишига сазовор қилди. Бу унинг бахти. Ҳажвчи актёр булса ҳам катта санъаткор сифатида жиддий мавзуларни кўтарди, халқ ғамидан гапирди, ҳаётимиздаги баъзи бир қусурлар устидан кулди. Унинг бу кулгиси остида ҳамиша жиддий бир мавзу, хулоса, фикр, ибратомуз мантиқ ва маъно, унинг кулгусида самимият, поклик ва инсонга муҳаббат ҳисси барқ уриб туради. Ҳам Эргаш Каримовга, ҳам унинг беғубор кулгисига умрбоқийлик тилаймиз.

Убай БУРХОН,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби

Дунё тўла сир-синоат

БЎРИЛАР ОРАСИДАГИ БЎРИ

У худди бўри каби увиллайди, улар билан талашади, биргаликда овқат ейди. Мерицигилик 53 ёшли Вернер Фройид — собиқ ҳарбий, мана 14 йилдирки бўрилар тўдасида етакчи. У йиртқич ҳайвонлар ёввойилигича қолишини истамайди, шунинг учун бўриларга қўшилди ва уларга ўхшаб қолди.

Вернер зулматта қараб увиллайди. Бўрилар ҳам бирин-кетин унга жавоб берадилар. Тўсиқли, хавфсиз жойда турганига қарамай одамни ваҳимага солади. Фройид бўрилар билан ёнма-ён ерга ётиб, улжани гажий бошлайди, улардек ириллайди. Тўдадан бирортаси тегажоглик қилса, у ҳам талашиб жавоб беради. Фройид тўда бошлиғининг юриш-туришини урганиб, ҳайвонларга булган муносабатидан инсонларга хос ҳамдардлик туйғусини мутлақо чиқариб ташлади. Бирорта ҳам бўри ҳокимият учун курашиб, маглуб булганини аямайди., маглубни тўдадан ҳайдайди.

Фройиднинг онаси урмончининг қизи эди. Вернер мактабдан кўра урмонни маъқул кўрарди. Яқиндагина болалаган тулки ининларини кўп кузатар экан, катта бўлган тулкичалар ота-оналарини ташлаб кетишини кўрганди. «Ушанда йиртқичлар ҳам шахсиятпараст эканлигини биринчи бор тушундим», — дейди Фройид.

У Франкфурт ҳайвонот боғига назоратчи бўлиб ишга киргач, кўп утмай ҳайвонларга ғайриодатий муносабат билан эътибор этди. Қафасдан қочган маймунни фақат у қайтара оларди. Фройид Осиё, Африка, Жанубий Америкага экспедиция уюштирди. У ерлик аҳоли орасида яшади, энг ёввойи шароитда якка ҳаёт кечиришни урганди. Германияга қайттач, айиқ сотиб олиб, у билан урмонга кетди ва анча вақт айиқ инида яшади.

Кунлардан бир кун газетада тутилган бўрилар сотилади, донаси 400 дона марка деган эълонни ўқиб, бўри сотиб олди. Аммо кўп вақт ўтмай айиқ билан бўри чиқиша олмаслигини тушуниб етди. Айиқни ҳайвонот боғига бериб юборишга тўғри келди.

Ҳозирда унинг махсус жойида беш тўда — йигирма иккита бўриси бор. Фройид йиртқичларнинг ёввойи одатларини йўқотмасликлари, ёввойи табиатларини сақлаши учун қулай шароит яратишга ҳаракат қилди. Уларни тик юришга ўргатиб, тиланишга мажбурламайди. Вернер бўриларни тарбиялаётгани йўқ, балки ўзини-ўзи қайта тарбияламоқда. Гўшт булакларини ургочи бўри болалари оғзига солиб қўяди. Вақти-вақти билан уларга тирик товуқларни ташлаб туради, негаки улар эркин улжа овлашни билишлари лозим.

«Бўри ястаниб ётган ит эмас. Унга муаттар эмас, сассиқ, қўланса ҳид зарур. Кимдан тўданинг ҳиди анқимаса, қўтондан бутун чиқолмайди», — дейди Вернер.

«Бўри»нинг ҳар бир тўдага хос алоҳида «комбинзон»и бор. У канаданинг оқ бўрилари орасида ётмоқчи бўлса, енг учлари йиртиқ «комбинзон»ини кияди. Тўдада ётадиган жойи: узунлиги 4, баландлиги 1 метр бўлган очиқ контейнер. Қишда махсус қопчада, ёзда ғужанак бўлиб ухлайди. Бўрилар унинг ёғоч тўшагига чиқиб, ғужанак бўлиб ёнма-ён ётишади.

Қачондир, бўриларга хос ҳаётнинг бошларида Фройид урнига жойлашиб олган бўрини итариб ўз урнини бўшатмоқчи бўлган. Чап қоши устидаги тиртиқ ана шу уринишнинг оқибати. Ушандан буён Фройид ухлаб ётган бўрини безовта қилиш мумкин эмаслигини яхши билади. Фройид билан тўдада кучи ундан кейинги иккинчи поғонада турадиган бўри ўртасида узига хос меҳнат тақсимоти мавжуд. Фройид тўда бошлиғи, демак ҳайвонларни овқат билан таъминлайди, кейинги бўри эса келажак авлод ҳақида ғамхўрлик қилиши лозим.

Бир куни Фройид қўтонга кириб, исён етилаётганини сезди. Бўрилар ёллари ҳурпайган, думлари бир чизиқдек таранг ҳамда сакрашга тайёр туришарди. «Юрагим шув этди. Озгина қўркувни сезишса тамом... Мен олдинги бўрининг кўзига тик қараб, аста яқинлаша бошладим. У ҳамла қилмоқчи бўлган эдики, этигим билан қобиғалари орасига зарб билан бир тепдим. У инграб чекинди. Қолган бўрилар мен томонга ўтишди», — деб ҳикоя қилади Вернер.

У ҳамма бўрилар билан олишавермайди. «Бўри ва одам ўз ижтимоий аҳлоқи жиҳатидан жуда ухшаш. Одамлар орасида ҳам кучли ва кучсизлари бор. Кучлилар куч билан ўзига ёл очиб, ҳамиша олдинга ташланадилар». Чиндан ҳам бу бўриларга хос дунёқараш.

Маъмуржон УМАРАЛИ тайёрлади

ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ

Узбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Ҳиндистоннинг Мадрас штатидаги «Баттерфляй групп» компанияси билан ўзаро алоқаларни ривожлантириш борасида шартнома имзолаган эди. Узбекистонлик хотин-қизлар вакилларидан бир гуруҳи Мадрасда бўлишиб, мазкур компанияга қарашли завод, кичик енгил саноат корхоналари фаолияти билан яқиндан танишиб қайтишди. Узаро ҳамкорлик натижасида «Ист Баттерфляй» қўшма корхонаси Узбекистонда ўз маҳсулотларини ишлаб чиқара бошлади. Қўмита қошида «Ҳиндистон санъати ва маданиятига қизиқувчилар клуби» ташкил этилди.

Икки мамлакат ўртасидаги маданий-маънавий алоқаларни янада ривожлантириш мақсадида Узбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва «Баттерфляй групп» компанияси ҳамкорликда «Ҳиндистон ҳақидаги унутилмас таассуротларим» деган мавзуда юксак ғоявий-бадиий савиядаги энг сара ҳикоя, қисса, шеърий лавҳа учун танлов эълон қилади.

Танлов уч босқичда ўтказилади.

Биринчи босқич: Ҳиндистоннинг таниқли давлат арбоби Жавоҳарлал Неру таваллуд топган кун муносабати билан. Танлов муддати 1995 йил 15 ноябргача.

Иккинчи босқич: Халқаро хотин-қизлар байрами 8-мартга бағишланади. Танлов муддати 1996 йил 15 февралгача.

Учинчи якуний босқич: Ҳиндистон ва Узбекистоннинг Мустақиллик байрамлари муносабати билан. Танлов муддати 1996 йил 1 августгача.

Танлов шартлари: тавсия қилинган асарларда муаллифнинг Ҳиндистон мамлакати бўйлаб қилган сафари ёки Узбекистонда бу мамлакат вакиллари билан учрашувларда олган таассуротлари; Ҳиндистон халқларининг тарихи, бугунги куни,урф-одатлари, маданияти, санъати, таниқли намояндалари, маънавий-аҳлоқий қадриятлари, табиат манзаралари, инсоний фазилатлари; Узбекистон ва Ҳиндистон халқларининг теран дўстлиги, ҳамкорлиги ўз аксини топиши керак.

Танловда ўрин олган асарлар «Саодат» ойномаси ва рўзномаларда эълон қилинади. Узбекистон Хотин-қизлар қўмитаси қошидаги «Ҳиндистон санъати ва маданиятига қизиқувчилар клуби» танлов қатнашчиларига саҳнавий талқин учун тавсия қилинади.

Танловда мазкур шартларни назарда тутиб, барча ижодкорлар, ҳаваскорлар яратган асарлари билан қатнашишлари мумкин.

Танловда ҳакамлар ҳайъати томонидан ижобий баҳоланган асарлар Узбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва «Баттерфляй групп» компанияси совринлари билан тақдирланади.

Эслатма: асарлар уч нусхада кўчирилган бўлиши керак. Тақдим этилган асарлар таҳлил этилмайди ва муаллифларига қайтарилмайди.

Танлов иштирокчилари исми-шарифи, касби, иш ва турар-жойларини аниқ кўрсатган ҳолда ўз асарларини қуйидаги манзилгоҳларга жўнатишлари мумкин:

700027, Тошкент шаҳар,
Фурқат кўчаси, 1-уй,
Узбекистон Хотин-қизлар қўмитасига.
Телефонлар: 45-18-68, 45-90-66.
ёки
700077, Тошкент шаҳар,
Буюк Ипак йули кўчаси, 71-уй,
104, 109-хоналар.
«Баттерфляй групп» фирмасига.
Телефонлар: 68-88-68, 67-58-42.

«ЙИГИТЛАРДЕК ҚИЛИҒИ ШУҲ ЧОЛИМ-ЕЙ»

АЙТИШУВ

ЧОЛ (куй бошланади, қўлида маржон ушлаб кампирининг олдига келиб, рақсга тушиб қуйлайди):
Сенга атаб мана олдим кўк маржон,
Бўйнингга тақиб қўйсам йўқ армон.
Узинг гулсан минг баҳорга алмашмам,
Кел белингдан бир қучайин кампиржон.

КАМПИР (у ҳам рақсга тушиб жўр бўлади):
Мажнун толдек бошин эгган толим-ей,
Олтмиш ёшда сақраб юрган тойим-ей,
Мен ҳам сизни бўз йигитга алмашмам,
Йигитлардек қилиғи шух чолим-ей.

ЧОЛ:
Эсингдами, тунлар бедор кутганларим,
Қучиб сени ой юзингдан упганларим.
Чимилдиқда ваъда берган шул маржон,
Кел, бўйнингга тақиб қуяй кампиржон.

КАМПИР:
Ёшлигизда тинчимаган шух эдингиз,
Марганлардек нишон урган ўқ эдингиз,
Бир умрлик муҳаббатим, заргинам-ей,
Тақинг майли маржонизни чолгинам-ей.
(Чол кампирнинг бўйнига маржон тақиб, сўнг белидан қучиб, иккаласи биргаликда рақс тушади).

* * *

«ЁШИНГИЗ ЮЗДАН ЎТСИН»

АЁЛ:
Даврани гулдек тўлдирасиз,
Ҳаммани бирдек кулдирасиз,
Қизларни ҳамон қуйдирасиз,
Олтмиш ёшли барно йигит.
ЭР:
Аслида ўзингиз қуйдирасиз
Уч марта ўн саккизга кириб.
АЁЛ:
Кўкракни кериб дарозланиб,
Қизларга боқманг хўрозланиб.
Кетсам нетасиз аразланиб,
Олтмиш ёшли барно йигит.
ЭР:
Қайтиб барибир менга тегасиз
Тўрт марта ўн саккизга кириб.
АЁЛ:
Тангрим гўзал тақдир битсин
Ёшингиз ҳам юздан ўтсин,
Ушанда кўнглим нелар кутсин
Олтмиш ёшли барно йигит.
ЭР:
Мендан ишқий хатлар оласиз
Беш марта ўн саккизга кириб.

Анвар ОБИДЖОН

ҚАЛБИДА КУЛГИ НАЗМИ

Эргаш Каримовга «Табассум» тўйҳати

Кулги-ю завққа тулган марди-майдон Эргашжон!
Қаҳқаҳаси, кулгиси элга достон Эргашжон!
Қалбида кулги назми, кулги бу ҳаёт базми,
Ноёб ҳангомаларга аслида кон Эргашжон!
Кулги — куч билакларга, завқ,.ором юракларга,
Руҳимиз соглиғига табиб-посбон Эргашжон!
Кимки хушфеъл, бағри кенг, дуст бўлар шимариб енг,
Бадқовоқ кимсаларни кўргай ёмон, Эргашжон!
Ҳазилга жуда мойил, қувликни қилар қойил,
Озгина тегиб ўтсак, чидар бир он Эргашжон!
Келмаса агар малол, бор эди битта савол:
«Театр миниатюра» бўлгай қачон, Эргашжон?
Кулги сандиғи очинг, шодлик уруғин сочинг,
Қаҳқаҳага, кулгига тўлсин жаҳон Эргашжон!
Сочингизда оқи йўқ, бу томондан кўнгил тўқ,
Қариттани қуймагай гул — Розахон, Эргашжон.
Яшанг яна олтмишни, сезяпсизми олқишни,
Кулишга — кулдиришга келди замон Эргашжон.
«Табассум»дан гулдаста, тутиб сизга бир даста,
Тўй билан қутлар Тўлан, бўлинг омон, Эргашжон.

Тўлан ҚЎЗИБОЕВ

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* * *

НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ
ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ
1995 йил
ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона телефони— 33-52-91

* * *

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир: Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ
Таҳрир ҳайъати: Мурод АБДУЛЛАЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Дадахон ЁҚУБОВ, Одил ЁҚУБОВ, Анвар ЖАББОРОВ, Баҳодир ЖАЛОЛОВ, Ашурали ЖЎРАЕВ (санъат бўлими мудири), Маҳмуд САЪДИЙ (танқид ва адабиётшунослик бўлими мудири), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ, Беккул ЭГАМҚУЛОВ (масъул котиб)

Навбатчи муҳаррир —Рустам МУСУРМОНОВ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 24. Буюртма Г. — 0443. Ҳажми — 2 босма табоқ. Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Индекс 64593. 123456